Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИКА БОШЛАГАН ● 26 сентябрь 1969 йил, жума ● № 225 (14.388). ● Баҳоси 2 тийин.

Саида Элиева Ромитан районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг пешқадам теримчиларидан. Саида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига меҳнат вахтасида туриб, ҳар куни хирмонга 150-180 килограммдан пахта териб тўкяпти. Суратда: С. Элиева.

И. Лазарев фотоси.

ПАХТА ХИРМОНИМИЗ ЮКСАЛАВЕРСИН!

СОВЕТЛАРГА ПАРТИЯВИЙ РАҲБАРЛИК

Коммунистик партиямиз Совет-ларнинг социал-маданий қурилишдаги ролини янада ошириш, унинг иш метод ва формаларини такомиллаштириш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилиб келяпти. КПСС XXIII съезди, партиямиз Марказий Комитетининг меҳнатчилар депутатлари қишлоқ ва посёлка Советлари ишини яхшилаш, совет ходимларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнатчилар хатларини кўриб чиқиш ва қабул қилиш ишларини яхшилаш ҳақидаги қарорлари бунинг ёрқин тимсолидир. Бу ғамхўрлик туфайли маҳаллий Советлар, халқ хизматчилари бўлган депутатларнинг ташкилотчилик фаолияти ва ташаббускорлиги борган сари қучаймоқда. Эндиликда мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг масъулиятли участкаларида қўлга киритилаётган зафарларда энг демократик, энг оммавий ташкилот бўлган Советларнинг ҳиссаси бениҳоя каттадир.

Советларнинг кучи — партия раҳбарлигида. Партия ташкилотлари меҳнатчилар депутатлари маҳаллий Советларининг фаолиятига ҳар томонлама таъсир кўрсатиб, уларнинг энг яхши ташаббусларини қўллаб-қувватламоқдалар, аҳолига маданий-маиший хизмат кўрсатиш, жойларда социалистик қонунчилик ва тартиб-интизомни мустаҳкамлаш, социалистик демократия принципларини янада тараққий эттириш борасидаги ишларига кенг шарт-шароитлар яратиб бериш юзасидан конкрет тадбирлар кўрмоқдалар.

Бизда Советларга моҳирона раҳбарлик қилиш соҳасида катта тажриба орттирган партия ташкилотлари анчагина бор. Чунончи, Фарғона, Самарқанд область партия комитетлари маҳаллий Советлар фаолиятига эътибор билан қарайдилар, уларнинг яхши ишларини ҳамиша рағбатлантириб турадилар. Фарғона область партия комитети бюроси доимий комиссияларга раҳбарлик қилаётган коммунист депутатлардан бир нечасининг хисоботини эшитди. Шу асосда қабул қилинган қарор, шубҳасиз, доимий комиссиялар коммунист депутатларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини янада оширади.

Бироқ республикамизнинг ҳамма область, шаҳар ва район партия комитетлари ҳам Советлар фаолиятига етарли ва ибратли раҳбарлик қиляпти деб бўлмайди. Айрим партия органлари Совет ташкилотлари ишига партиявий таъсир кўрсатиш, уларнинг мустақиллиги ва ижодкорлигини ошириш ўрнига кўпинча хўжалик ва маъмурий органлар фаолиятини такрорлайдилар. Шу боисдан ҳам ана шу жойларда Совет ташкилотлари ўзининг чинакам қиёфасини қисман йўқотиб қўймоқда, ўзига хос бўлмаган вазифалар билан ўралашиб қолмоқда. Бундай намчиликларни Сурхондарё, Қорақалпоғистон АССРдаги бир қатор шаҳар ва район партия комитетлари фаолиятида кўриш мумкин.

Партия комитетлари Совет ташкилотларига шунчаки кўрсатма бериб қолмасдан, балки уларнинг ишига айни шу ташкилотлардаги партия группалари, ком-мунистлар орқали таъсир кўрсатади, йўл-йўриқ беради, ҳар бир коммунист депутатнинг ишлаб чиқаришда ҳам, янги ишини тарбиялашда ҳам ленинча иш услубига амал қилиши, коммунистик идеаллар учун курашда бошқаларга намуна бўлишига эришади. Бу албатта совет қурилишининг актуал масалаларига маҳаллий Советларнинг эътиборини жалб қилиш, энг яхши қишлоқ ва посёлка Советлари, ижодкор депутатларнинг тажрибасини кенг ёйишни ҳам тақозо этади. Бунинг учун партия ташкилотлари бисотида газета, радио, телевидение ва партиявий пропаганданинг синалган бошқа воситалари мавжуд. Энг муҳими, ана шуларнинг ҳаммасидан оқилона фойдаланиш лозим.

Совет аппарати кадрлари ҳақида ғамхўрлик, уларнинг ўқиши ва малака ошириши ҳақида қайғуриш маҳаллий Советларга партиявий раҳбарлининг асосий принципларидан биридир. Чунки Совет аппаратининг пухта, тез ва ҳалол ишлаши кўп жиҳатдан унинг ходимларига боғлиқдир. Шу боисдан ҳам партия ташкилотлари масаласнинг бу томонини сира эътибордан четда қолдирмасликлари, меҳнатчилар депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ва уларга қарашли маъмурий органлар аппаратини билимдон, ишбилармон, одамларга меҳрибон кадрлар билан мустаҳкамлаш, ходимларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш ва ҳамиша ленинча иш услубига амал қилишини таъминлашлари айниқса муҳим.

Коммунистик қурилишнинг ҳозирги босқичида маҳаллий Советлар ҳамда уларнинг депутатлари зиммасига ғоят катта ва ранг-баранг вазифалар юклатилган. Меҳнатчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш, қишлоқ ва шаҳарларимизни янада обод қилиш, айниқса қишлоқ маданиятини зўр бериб ривожлантириш шу кунининг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу ўринда партия ташкилотлари совет ташкилотлари эътиборини анъ шунга қаратиши, бу соҳадаги энг ибратли ташаббусларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаши даркор. Шунингдек, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантиришнинг янги системасини амалга ошириш, беш кунлик иш ҳафтасига ўтиш муносабати билан маҳаллий Советлар ҳал қилиши лозим бўлган янги-янги проблемалар пайдо бўлди. Чунончи, шаҳар транспорти хизматини янги шароитга мослаштириш, меҳнатчиларнинг маданий дам олишини намунали ўтказиш — буларнинг ҳамма-ҳаммаси Советлар, депутатлардан ижоднорлиги, ташкилотчилиги талаб этади.

Маҳаллий Советларнинг коммунистик қурилишдаги ҳамма мураккаб вазифаларини улуғ Ленин партияси номи билан, унинг чинакам раҳбарлиги билан узвий боғлиқдир. Деман, Советларга партиявий раҳбарликни янада кучайтириш ва такомиллаштириш, депутатларнинг халқ олдидаги масъулиятини ошириш, ўз бурчига юксак даражада содиқлик руҳида тарбиялаш меҳнатчиларнинг энг демократик, энг оммавий ташкилоти — Советлар жанговарлик қобилиятини кучайтиришнинг бош омилидир.

4.100.000 тонна учун

25 сентябрь

(Планга нисбатан процент ҳисоби да)

1-стун — областлар; 2-стун—бир кунда; 3-стун—мавсум бошидан буён; 4-стун—бир кунда машинада терилгани; 5-стун—мавсум бошидан буён машинада терилгани.

Қашқадарё	1,62	14,47	0,73	1,86
Бухоро	1,25	10,68	0,26	0,00
Сурхондарё	1,00	9,26	1,11	1,11
Фарғона	0,83	5,20	0,06	0,09
Андижон	0,78	4,13	—	—
Наманган	0,61	3,98	—	—
Тошкент	0,45	2,53	0,02	0,02
ҚҚ АССР	0,52	2,33	—	—
Самарқанд	0,59	2,02	—	—
Хоразм	0,57	1,97	—	—
Сирдарё	0,11	0,34	—	—
Республика бўйича:	0,71	4,69	0,14	0,21
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Қашқадарё	0,94	10,83		
Сурхондарё	0,59	9,87		
Бухоро	0,01	0,16		
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА:	0,54	8,15		

УЧ РАЙОН ҒАЛАБАСИ

Қашқадарё областининг Яккабоғ, Шаҳрисабз ва Қамаши районлари чорвадорлари давлатга сут сотиш йиллик планини орттириб бажардилар. Яккабоғликлар 2550 тонна, Шаҳрисабз райони чорвадорлари 2943 тонна, Қамаши район чорвадорлари эса 2500 тонна серқаймоқ сут топширдилар.

П. ГАДОЕВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЕФОЛИАЦИЯ ҚИЛИНГ!

Ўзбекистон ССР областларида ғўзани дефолиация қилишнинг борыши тўғрисида 1969 йил 25 сентябрга бўлган маълумот,

(гектар ҳисобида)

Биринчи стун — областлар; иккинчи стун — дефолиация қилинган майдон; учинчи стун — мажбуриятнинг бажарилиш процанти.		
Қашқадарё	42725	71,2
Сурхондарё	60008	66,7
Хоразм	31700	63,4
Тошкент	79573	60,7
Бухоро	60956	55,4
ҚҚ АССР	52539	47,8
Сирдарё	81373	36,8
Самарқанд	15563	15,6
Андижон	11495	12,8
Наманган	7017	10,6
Фарғона	5275	5,3
Республика бўйича:	448224	39,7

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

Тошкент область, Калинин районидаги Калинин номли колхоз аъзолари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга пландаги 3320 тонна ўрнига 3331 тонна сабзавот маҳсулотлари сотилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди. Меҳнатчилар дастурхонига 45 тонна мева етказиб берилди.

Сабзавотчилар пландан ташқари яна 1000 тонна маҳсулот топширишга аҳд қилдилар.

К. МИРЗУЛАТОВ.

МЎЛ ОЗУҚА

Иштихон районидаги «Правда» колхозининг чорвадорлари чорва моллар қишловига пухта тайёргарлик кўришяпти. Улар дағал хашак жамғариш ва силос бостириш юзасидан белгиланган планларни анча ошириб адо этдилар. Пландаги 1600 тонна ўрнига 1800 тонна дағал хашак жамғарилди ва 1000 тонна ўрнига 1115 тонна силос бостирилди.

М. УМРЗОҚОВ.

ПАХТАКОРЛАР СЛЁТИ

ТУРТКЎЛ («Совет Ўзбекистони» мухбири). Бу ерда район пахтакорларининг слёти бўлиб ўтди. Унда район партия комитетининг биринчи секретари Йўлдош Қурбонов «Қизилқоқ хўжалик артели Намунали Уставнинг муҳокамаси ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишда район пахтакорларининг вазифалари ҳақида» доклад қилди.

Ильич номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати К. Назаров, Димитров номли колхоз раиси И. Жуманиёзов, «Совет Ўзбекистони» колхозининг механик-ҳайдовчиси, СССР Олий Совети депутати А. Нуруллаева ва бошқа нотиқлар бу йил об-ҳаво шароити ноқулай келганлиги сабабли юз берган қийинчиликларга қарамасдан, мўл ҳосил етиштирилганлигини алоҳида қайд қилиб ўтдилар.

Слёт қатнашчилари бу йил она-Ватанга 63 минг тонна «оқ олтин» етказиб бериш, шундан 22 минг тоннасини «зангори кема»ларда териб олиш, мажбуриятини 7 ноябрга ча бажаришга қарор қилдилар.

Р. ЕШИМБЕТОВ.

Механизаторлар мусобақаси

ҲОСИЛНИ 15 КУНДА ЙИҒИБ ОЛАМИЗ

Қалб амри билан чўлга ҳужум бошлаганимизга беш йил бўлди. Колхозда бош инженер эдим. Партия ташкилотининг йўлланмаси билан чўлқуварларга бошчилик қилдим, янги ерда тузилган комплекс механизациялашган бригадага раҳбарлик қила бошладим.

Техника билан қуролланган, иродаси мустаҳкам, куч-ғайратга тўлиб-тошган чўл баҳодирлари биринчи йили 50 гектар қўриқ очиб, ҳар гектар ердан 45 центнердан хирмон кўтаришди. 1967 йилда ер майдони 100 гектарга, пахта ҳосилдорлиги 49 центнерга етказилди.

Ўтган йилги якун айниқса салмоқли бўлди. 120 гектар майдонга чигит экиб, ҳар гектар ердан 51 центнердан «оқ олтин» йиғиб олдик. Тўрт йил ичида мамлакатга икки минг тонна чўл дурдонасини етказиб бердик.

Дастлабки йили чўлга юриш бошлаб берган аъзоларга ўн йигит эди. Янги ер очиш жараёнида сафимиз кенгайди. Колхоз чўлқуварларга иккита ҳайдов, учта чопиқ трактори, ер текислайдиган механизмлар, тўртта терим машинаси, тўкилган пахтани йиғадиган, кўсак терадиган комбайнлар ажратиб берди.

Биз техникадан йил бўйи самарали фойдаланиб, пахта етиштириш соҳасидаги дарли бутун ишни механизация воситасида бажармоқдамиз. Рустам Кўпайсинов, Йўлдош Гурсунов, Шариф Рўзимов, Қурол Жуманиёзов каби механизаторлар қишлоқ хўжалик техникасининг барча турларини маҳорат билан бошқаришни ўрганиб олишган.

МУСОБАҚА ШАРТЛАРИ: БУТУН ҲОСИЛНИ МАШИНАДА ТЕРИШ; ● МАМЛАКАТГА КЎПРОҚ ВА ЮҚОРИ СИФАТЛИ ПАХТА ЕТКАЗИБ БЕРИШ; ● ҲОСИЛНИНГ ТАННАРХИНИ АРЗОНЛАШТИРИШ

Пахта-иликни комплекс механизациялаштириш оз меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ ҳосил етиштириш имконини бермоқда. 1 центнер пахтанинг таннархи 1965 йилда 18 сўм 5 тийинни, 1966 ва 1967 йилларда 17 сўмни, ўтган йили 14 сўм 82 тийинни ташкил этди. Ҳар бир ишловчи ҳисобига дастлабки йили 18 тонна, 1968 йилда эса 24,3 тонна пахта етиштирилди.

Бригадамизда пахта ҳосилининг ҳаммаси машинада териб олинаяпти. Натижада терим муддати йилдан-йилга қисқариб, меҳнат ва маблағ сарфи камаймоқда. Масалан, **ўтган йили 12 иш кунида пахта тайёрлаш плани бажарилди, яппи ҳосил 15 кунда тўла йиғиб олинди.** Бултур давлатга топширилган 612 тонна пахтани 15 кунда қўлда териш учун 450 киши ишлаши, уларга 21,8 минг сўм иш ҳақи тўланиши талаб этиларди. Бу ҳосилни машинада теришга меҳнат ҳақи, ёнилги, амортизация харажати, хуллас, ҳаммаси бўлиб 11,8 минг сўм сарфланди. Машина туфайли 10 минг сўм иқтисод қилинди.

Комплекс механизацияни жорий этиш ишловчиларнинг моддий манфаатдорлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Бригадамиз аъзоларига ўтган йилнинг ўзида асосий иш ҳақига қўшимча равишда 14 минг сўм устама ҳақ тўланди. Киши-кунининг қиймати 6 сўм 46 тийинга етди.

Мен бригадамиз эришган баъзи кўрсаткичларни айтиб ўтдим. Ана шу рақамлар механизация, пахта ҳосилдорлигини ошириш ва таннархини камайтириш, йиғим-терим муддатини қисқартириш, колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш омили эканлигини кўрсатиб турибди.

Бу йил 130 гектар ерга чигит экиб, қўриқ ерда ҳосилдорликни 55 центнерга етказиш, ҳар ишловчи ҳисобига камида 26 тонна «оқ олтин» етиштириш, ҳосил таннархини янада арзонлаштириш мажбуриятини олганмиз. Юксак мажбуриятнинг тўла бажарилишини таъминлайдиган миқдорда ҳосил етиштирганмиз.

Бригадамизда машина теримини намунали ўтказиш учун ҳамма нарса тахт қилинди. Мавжуд 4 та агрегат ишга шай. Далалар машина ишлаши учун тайёрланди, дефолиация ўз вақтида ўтказилди. Ҳозир машина терими бошланиш арафасида.

Биз ноқулай об-ҳаво шароити натижасида пахтанинг очилиши кечиккан бу йилги шароитда йиғим-теримни ҳар қачонгидан уюшқоқлик, тадбиркорлик билан ўтказиш зарур, деган қарорга келдик. Бунинг учун техникани тўла қувватда ишлатиш, соат ва дақиқалар қадрига етиш, пахта майдонида жасорат кўрсатиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Шоймардон Қудратовнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилган бригадамиз аъзолари мардликни майдонда намойиш қилишга бел боғладилар. **Биз машҳур механизатор Шоймардон Қудратов бригадаси билан мусобақалашишга тайёрмиз. Мусобақанинг шартлари — бутун ҳосилни машинада териш, пахта тайёрлаш планини қисқа муддатда бажариш ва 15 иш кунида ҳосилни тўла йиғиб олишдан иборат.** Ватанга юқори сифатли пахта бериш, ҳосил нобудгарчилигига мутлақо йўл қўймаслик жанговар вазифамиздир. Шунга эришмогимиз керакки, пахта тайёрлаш плани биринчи сорт ҳисобига бажарилсин.

Биз, Хоразм область ва республикадаги ҳамкасб дўстларимизни теримда суръат ва сифат учун курашишга, мусобақа байроғини баланд кўтарган ҳолда, маррага тезроқ етиб олишга чақирамиз. Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин юбилейига муносиб армуғон, колхозчиларнинг Бутииттифоқ учинчи съездига лойиқ совға бўлган «оқ олтин»ни тезроқ йиғиштириб олиб, аҳдимизга вафо қилайлик. Келинг, мусобақалашамиз, қўл беринг, механизатор дўстлар!

Зариф РАМАТОВ,
Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг комплекс механизациялашган бригадаси бошлиғи.

«КОСМОС-301» УЧИРИЛДИ

1969 йил 24 сентябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-301» учирилди. Йўлдошда ўрнатилган илмий аппаратлар ТАСС 1962 йил 16 мартда эълон қилган программага мувофиқ космик фазони тадқиқ қилишни давом эттиради.

Йўлдошдаги аппаратлар нормал ишлаб турибди. Координациялаш-ҳисоблаш маркази олинаётган маълумотларни ишлаб чиқмоқда.

ВАЪДА ЭМАС, САБЗАВОТ КЕРАК

ТАШВИШЛИ СИГНАЛ

Пешқадам хўжаликлар давлатга полиз экинлари маҳсулоти сотиш планини ортиғи билан бажариб, мажбурият ҳисобига маҳсулот топширмоқдалар. Чунончи, Навоий райони хўжаликлари давлатга пландаги 2000 тонна ўрнига 2300 тоннадан ортиқ полиз экинлари маҳсулоти сотдилар. Конимех ва Ромитан районларида ҳам полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаш плани тўла ado этилди.

Бирок, бир қатор районларда сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти сотиш планлари бажарилмаяпти. Область бўйича бу йил давлатга 15 минг тонна сабзавот, 11 минг тонна полиз экинлари маҳсулоти, 1300 тонна мева ва қўплаб узум етказиб берилиши керак. Ҳозиргача маҳсулот турларининг биронтаси бўйича ҳам план бажарилгани йўқ. Риждувон районида сабзавот сотиш плани салкам 50 процент, полиз экинлари маҳсулоти топшириш 70 процентдан сал ортиқроқ бажарилди. Райондаги «Ёш ленинчи», «Меҳнат-роҳат», «Ленинград» сингари қатор хўжаликларда сабзавот, полиз экинлари маҳсулоти мўл бўлишига қарамай, уни давлатга топшириш кўнгилдагидек ташкил этилмаётир.

Когон районининг колхоз ва совхозлари полиз экинлари маҳсулоти сотиш планини энди 30 процентдан сал оширишди. Сабзавот тайёрлаш плани эса 32 процент бажарилган, холос. «Когон», «Бухоро» совхозлари, Калинин номли, «Партия XXII съезди», «Коммунизм» колхозларида сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаш ўлда-жўлда қолиб келяпти.

Шофирон, Вобкент, Свердлов районлари раҳбарлари афтидан сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаш планларини бажариш зарурлигини унутиб қўйганга ўхшайдилар.

Вобкент районидаги «Ленинград», Энгельс номли, Бухоро районидаги Энгельс номли, «Москва», Когон районидаги «Коммунизм» колхозларида сабзавот ва полиз экинлари маҳсулоти тайёрлаш планлари бир неча йиллардан буён бажарилмай келади.

Бир қатор хўжаликларда «Савдо ташкилотлари ундоқ, савдо ташкилотлари бундоқ» деган гаплар, важ-корсонларни эшитасиз. Савдо ташкилотларининг ходимлари эса ўз навбатида «У колхознинг стандарти ундоқ, бу хўжаликнинг сабзавоти бундоқ» дейишади. Лекин аҳоли сабзавот, мева, полиз экинлари маҳсулоти талаб қиляпти. Уларнинг ҳаҳли талаби вақтида қондирилмаётир. Колхоз ва совхозларнинг, савдо ташкилотларининг раҳбарлари бу ҳақда жиддий ўйлаб кўришлари даркор. Акс ҳолда нарироқ бориб ер қазиб қолишлари мумкин.

Т. НАЗИРОВ.
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Мардлик ва қаҳрамонлик

СОЛДАТ САҲИФАСИ

Уруш ўзининг фожиона изини қолдирмаган оила бизнинг мамлакатимизда камдан-кам учрайди деса бўлади. Совет кишиларининг ҳалок бўлганлиги—бизнинг оғир талафотимиз бўлди. Шунинг учун ҳам биз совет кишиларининг Ватан учун, унинг озодлиги ва бахт-саодати учун тўкилган қонининг бир қатрасини ҳам асло унутмаймиз.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

(Улуғ Ватан урушида совет халқи эришган ғалабанинг 20 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги нутқидан).

Совет жангчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришмоқдалар. Суратда: артиллериячи қисмда тактик машғулотлар пайти. Н. Назаров фотоси. ТАСС фотохроникаси.

САРКАРДАЛАР САФДОШИ

Асли марғилонлик Болтабой косибнинг ўғли Ҳайдаралининг болалик йиллари бойларнинг хизматида ўтди. У бет ёшида онасидан етим қолди. Қўллар қатори улар оиласита ҳам Октябрь қуёши нур сочди. Ҳайдарали 17 ёшлик чоғида қўнгиллилар сафига ёзилди. Марғилон атрофидаги Қорагепа, Иштихон, Найзақайрагоч, Ермозор каби қишлоқларни босмачилардан гозалашда иштирок этди. Сўнгчилик ва Гарава қишлоқларида разведкачи сифатида муҳим топшириқларни бажариб, қизил гвардиячиларга актив ёрдам берди.

Разведкачилик фаолияти қўрбошига маълум бўлиб қолгач, У 1929 йилнинг сентябрида Қўқон ҳарбий комиссари Қаюмовнинг маслаҳати билан ҳақиқий ҳарбий хизматга ўтади ва Самарқанддаги 1-ўзбек отлиқ полкига жўнайди.

Бу полкнинг командири машҳур саркарда Миркомил Миршаропов эди. Сергайрат ва жасур саркарда жангчилардан ҳамиша пухта ҳарбий тайёргарликни, ҳушёрликни талаб қилар, эпчаллик билан иш кўрар, жангчилар дилига чўғ ташлаб, уларни ғалабага даъват эта билар эди. Шунинг учун у командирлик қилган полк ғалаба кетидан ғалабани қўлга киритарди.

— Бизнинг взводга ўша вақтда старший лейтенант Собир Раҳимов командирлик қиларди, — деб қисса қиладй Ҳайдарали ота. — У, мерган, чавандоз, ҳазилкаш, жангчилар билан бир пасда тил топишиб кетадиган дилкаш киши эди. «Кув»ликни ҳам ўрнига қўярди. Мана бир мисол: Тажандан уича узоқ бўлмаган станция яқинида бўлгай воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Пулемёт ёнида турган Собир ака босмачиларга эшитириб бундай деди: «Ўқ тамом бўлиб қолди. Ўртоқлар! Ўқни тежанглар, маҳкам бўлинглар!»

Шуни кутиб турғандек Жуна, идҳон калла кесарлари ҳар тарафдан бизга ташланишди. Собир ака пулемётни «сайратиб» юборди. Босмачиларни тутдек тўкдик...

Ҳайдарали 1930—1931 йилларда Иброҳимбек, Урозкелдихон тўдаларини тор-мор этишда қатнашди Тожикистоннинг Қизилмозор, Данғара, Кангут, Кулоб, Янгибозор, Каваккайрагоч қишлоқларида уларнинг долини бекда. Иброҳимбекнинг ишончли қўрбошиси кўр Ортиқни қўлга туширувчилардан бири бўлди. Орадан кўп ўтмай Иброҳимбек ҳам қопқонга тушди. Бирин-кетин Илонтоғ, Боботоғ ва Қоратоғларнинг баланд чўққиларида қизил байроқ ҳилпирай бошлади.

У 1930 йилларда Бухорининг Ғиждувон, Вобкент, Шофирқон районларида коллектив хўжаликлар тузишда ҳам қатнашди. Ер ислоҳотини ўтказишда иштирок этди. Хоразмга келгач, Миршаропов топшириғига кўра, шу ерда хизматда қолди, Амударёдан бошланган Шўрот каналини қурилишида ишбошилардан бири бўлди.

Гитлерчилар Ватанимиз тупроғига бостириб кирган биринчи кунларданоқ, у яна жангга отланди. Босмачилар билан бўлган жангда чиниққан Ҳайдарали — немис ғазандаларига қарши курашда ҳам ўзини кўрсатди.

Гражданлар уруши ва Улуғ Ватан урушн ветерани, КПСС аъзоси Ҳайдарали Болтабоев Андижон область. Қўрғонтепа районидаги Ильич қишлоқ Советида яшамоқда. Вақти-вақти билан у мактаблар ва муассасаларда бўлиб, ёшларга жанговар йиллар ҳақида ҳикоя қилиб беради. 62 йиллик умрини ана шундай сермазмун ўтказган отахон бугун эл эъзозида.

Д. АБДУРАҲМОНОВ.

ОҚ ҚАЙИН

Елғиз тепаликда кекса оқ қайин
Қабр узра бош эгар ва ташлар соя.
Кумуш япроқлари шивирлаб майин,
Мард солдат ҳақида сўзлар ҳикоя:

«У жанг қилди кунин кун демай,
У жанг қилди тунни тун демай.
У жанг қилди мисоли арслон,
У жанг қилди, дея қонга қон!

Ўқ ёғдирди гоҳ пулемётдан,
Мина отди гоҳ миномётдан,
Автоматин сайратди гоҳи,
Елғиз ўзим эдим ҳамроҳи.

Елғиз ўзи ҳафта жанг қилди,
Ёв зотининг қолин танг қилди.
Найза билан санчди душманни,
Енгилмади янчди душманни.

Бу довюрак, навқирон йигит,
Навқирон ва паҳлавон йигит
Шарқдан эди — Ўзбекистондан,
Шўълага ғарқ боғи — бўстондан.

У жанг қилди токи танда жон, —
Қолгунича сўнгги қатра қон!
Ололмади тепаликни ёв, —
Йигит қирди уни беаёв!

Келганида орқадан мадад,
Йигит кўзин юмганди абад.
Дўстлар таъзим қилди эгиб бош,
Ва қабрига қўйиб кетди тош.

Кўп йил ўтди ўшандан буёч,
Аммо ўлмас экан қаҳрамон.
Ёшу қари келишиб бунда,
Мардлигидан сўзлашар кунда».

Қаҳрамон қабрига кекса оқ қайин
[У ҳам яраланган] ташлайди соя,—
Кумуш япроқлари шивирлаб майин
Мард солдат ҳақида сўйлар ҳикоя.

Мавлон ИКРОМ.

МЎЪТАБАР КИШИ

СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

Тошкент шаҳрининг Оқлон маҳалласи кўчаларида уни одамлар тез-тез учратиб туришади. Ҳамиша дилқаш, ёшлардек тетик, одамшаванда Маҳкам акани яхши танишади. Уни маҳалла активларининг оқсоқоли, маҳалла комитетининг тиниб-тинчмас бошлиғи, одамларнинг меҳрибони сифатида билишади.

Лекин Маҳкам ака Қосимовнинг воқеаларга бой, сермазмун ҳаёт йўлини бу ердагиларнинг ҳаммаси ҳам, айниқса ёшлар яхши билади деб бўлмайди. Маҳкам ака эса, ўзининг қаҳрамонликлари, Қизил Армия қисмларида хизмат қилгани, Совет ҳокимиятининг хилма-хил душманларига, контрреволюционерларга қарши жон-жаҳди билан курашгани, Туркистонда Совет ҳокимиятини мустаҳкамлаш соҳасида сидқидилдан қилган меҳнатлари тўғрисида гапираверишни ёқтирмайди. Шу боисдан ҳам биз Маҳкам аканинг ажойиб ишлари тўғрисида айрим лавҳалар келтирмоқчимиз.

1918 йилнинг февраль ойида Туркистонда, жумладан Тошкентда ҳам дастлабки Қизил Армия дружиналари тузила бошлади. Ана шунда сергайрат йигит Маҳкам Қосимов ташкил этилаётган Қизил Армия дружиналаридан бирига биринчилар қаторида кўнгилли бўлиб ёзилди.

Маълумки, Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида контрреволюционерларга қарши курашиш учун ҳарбий фавқулодда комиссиялар тузилган эди. 1922 йилда Маҳкам акани шундай комиссиялардан бирига ишга таклиф қилишди. Тошкент областида ҳаракат қилаётган бу комиссиянинг бўлим бошлиғи Насриддин Хўжаев эди. Мазкур ташкилот фаолиятида Маҳкам Қосимов актив иштирок этди ва бир неча хавфли бузғунчиларни фош этишда жасорат кўрсатди.

1930 йилларда Маҳкам ака Тошкент шаҳар милициясида хизмат қилди. Социалистик мулкни асраш ва жойларда тартиб-интизомни мустаҳкамлашда намунали хизмат қилди. Шу боисдан ҳам Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигининг бир неча мукофотларини олишга сазовор бўлди. Улуғ Ватан уруши йилларида эса у Каттақўрғон шаҳрида туриб, урушга бориши лозим бўлган ёшларни тайёрлаш, уларга ҳарбий санъат сирларини ўргатиш борасида фидокорона меҳнат қилди. Унинг сабоғини олган қанча-қанча йигитлар Ватан уруши фронтларида эўр жасорат кўрсатиб, Маҳкам ака шаънига раҳматномалар келтирдилар.

Маҳкам ака ҳозир 70 ёшда. У республика аҳамиятига молик пенсионер. Лекин кекса ветеран бекор ўтиришни эп кўрмайди. У маҳалла комитетига бошчилик қилиб, бу ерда оммавий-сиёсий ва тарбиявий ишларни кучайтиришга ҳисса қўшяпти. Унинг ташаббуси билан Оқлон маҳалласи борган сари обод бўляпти, кўм-кўк дарахтзор ва гулзорларга бурканяпти.

Буларнинг ҳаммасида Маҳкам аканинг озми-кўпми ҳиссаси бор. Шунинг учун ҳам маҳалладагилар уни мўътабар киши сифатида ҳурмат қилишади, кўрганда чуқур таъзим бажо этишади.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

Расмда Маҳкам ака Қосимовнинг 1920 йилларда Тошкентдаги Троицы лагерида хизмат қилаётган пайти акс эттирилган.

ФАКТЛАР... РАҚАМЛАР...

● Ҳозирги кунда Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотида хизмат қилаётган ҳар тўрт офицернинг бири олий ҳарбий ёки ўрта махсус маълумотга эга 1945 йилга нисбатан инженер-техник составнинг ялпи саф сони уч мартадан кўпроқ ошди. Мамлакатимиз стратегия мақсадларидаги ракета қўшинлари, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари шахсий составининг 70 процент инженер ва техниклардир.

● СССР Қуролли Кучлари шахсий составининг 22 процент коммунистлар ва 60 процентдан ортиғи комсомоллардан иборат.

● НАТО, СЕАТО, СЕНТО ва бошқа агрессив ҳарбий блоклар ўз аъзоларига катта хавф солмоқдалар. Уларга барча асосий капиталистик давлатлар бирлашган. Капитализм системасида армияда ва уруш мақсадларида хизмат қилаётган кишиларнинг сони 70 миллионга боради.

● Ҳозирги кунда АҚШнинг ўз мамлакатидан ташқарида 2200 база ва бошқа ҳарбий объектлари бор. Улар тахминан бир ярим миллион ҳарбий хизматчини бирлаштирган. АҚШ федерал бюджети бўйича 75 процентдан ортиқ маблағни ҳарбий мақсадларга ажратмоқда.

ФАХР

Норқул Донақулов Тошкентдаги авиация техникумида ўқиб юрганида Совет армияси сафига чақирилди. Ёш солдат гажрибасизлиги туфайли дастлаб ҳарбий қаётга қўника олмади. Ҳарбий техника сирларини эгаллаш, уни моҳирлик билан ишга сола билиш, солдатлик бурчини англаш, ҳарбий уставни ўрганиш, чиДамли бўлиш лозим эди. Норқул қийинчиликларни сабот билан енга бошлади.

Мана, отиш бўйича тенширин машқи ўтказилмоқда. Оддий солдат ҳаяжонланар, «нишонга уролмасам ғима бўлади? Ахир, мен сўз бериб қўйдим-ку», — деб ўйлади.

Солдатнинг ҳаяжонини сезгандек унинг олдига офицер келиб:

— Ҳаяжонланаётганингиз яхши. Деман, сиз бепарво эмассиз. Лекин, ўқ отаётганда хотиржам бўлиш, ишонч билан ҳаракат қилиш керак. Олдингизда оддий нишон эмас, балки душман тургандек фараз қилинг, — деди.

...Донақулов ўт очиш маррасида турибди. У эҳтиётлик билан нишонни мўлжаллаб, тепкини босди. Ўқ нишонга тегди. Бу кичкина, аммо ёш солдат қаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ғалаба эди. Бу ғалаба унинг қалбида ўз кучи ва қобилиятига ишонч ҳосил қилди.

Ҳафта ва ойлар ўтиб борарди. Мунтазам ўқиш, изланиш натижасида Норқул юксак ҳарбий маҳоратга эриша бошлади. Ҳарбий ва сиёсий тайёргарликда қўлга киритган муваффақиятлари учун у «Совет Армияси ғалаблаги» значогини олди. Бўлимда ўқишни тугатгач, унинг классе ҳарбий шофёр бўлиб етишди. Унга младший сержант унвони берилди. Яқинда Норқулга яна бир катта ишонч топширилди. У автомобиль бўлимининг командири қилиб тайинланди.

— Командиримиз ажойиб йигит. У қисмимиз фахри. Биз ҳаммамиз ундан ўрнак олсак арзийди, — дейишади солдатлар.

Унинг қўл остида хизмат қилаётган солдатлар аҳил, бир-бирларига меҳрибон, жуда интизомли. Яқинда жангчилар катта синовдан ўтишди. Бўлим техника хизмати бўйича аъло баҳо олди. Оддий солдатлардан Лагода, Утеев ва Деминлар, айниқса, юқори кўрсаткичга эришишди.

Рота командири социалистик мусобақага якун ясаб сержант Донақулов бўлими голиблар сафидан ўрин олганлигини таъкидлади. Бунда бўлим командирининг ҳиссаси катта. Норқул Донақулов муваффақиятлар олдида эсанкираб қолмади. У солдатлар билан маслаҳатлашиб, янги мараҳи эгаллашга — 7 ноябрга бўлимни аълочидар қаторига олиб чиқишга қарор қилди.

М. ГАВРАШЕНКО,
капитан, Н.қисм.

ПАНФИЛОВЧИЛАР

УЛУҒ ВАТАН УРУШИ ҚАҲРАМОНЛАРИ ИЗИДАН

Панфиловчи-гвардиячи дивизияга фронтни ёриб ўтиб, немис армияси группаларидан бирини бошқаларидан ажратиб юбориб, Қизил Армиянинг қисмлари билан биргаликда босқинчиларни қуршаб олиш ҳамда душман ичида туриб уни тор-мор келтириш ҳақида жанговар топшириқ берилди.

Панфиловчилар 40 даража совуқда тиззадан қор кечиб 200 километр масофани босиб ўтишди. Ватанга муҳаббат, душманга нафрат қисси жангчи ва командирларга ниқоятда оғир бўлган бу жанговар юришнинг барча тўсиқларини енгиб ўтишга ёрдам берди. 1942 йилнинг 2 февралида 1075-ўқчи полк Старая Русса шаҳрининг жануби-шарқига ўрнашиб олиб, дивизиянинг бош полки сифатида ҳужумга ўтиш учун шай ҳолда турарди.

Яқинроқдаги аҳоли пунктлари Новосвинухова, Соколово ва Бородинони душман эгаллаб олган эди. Бизнинг фронтимиз олдида фашистларнинг ССчи «Ўлик каллаг» пиёдалар дивизияси турарди. Унга нима бўлса ҳам босиб олинган чегарани ушлаб қолиш вазифаси топширилган эди. Полк ўрмонда тўхтади. Кечаси совуқ жуда кучайди, гулхан ёқишнинг иложи йўқ, душман самолётлари учиб юрарди.

— Сизни КП га чақиришяпти,— деди менга полкимиз алоқачиси ва кўздан ғойиб бўлди.

Хозиргина тикланган чайлада батальон ҳамда штаб офицерлари тўпланди. Полк командири полковник И. В. Капровнинг ҳаяжонини сезиш қийин эмасди.

— Ўртоқлар, эрта кечаси соат никида ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ олдик, — деди у, сўнгра харита ёнига бориб, қаламини унинг устида юритар экан, давом этди: — кўриб турибсизлар, улар учта йирик қаршилик кўрсатиш нуқтаси тикланган. Булар Новосвинухово, Сорокино ҳамда Бородинода жойлашган. Душман бу қишлоқларни ўзига хос таянч пунктига айлантирганки, бу уларга ўзаро ўт очиш ва машқ қилиш пайтларида ҳамкорликда ҳаракат қилиш имконини беради.

Капров офицерларни шароит билан таништириб, ҳужумга ўтиш ҳақида тахминий кўрсатмалар берди. Полк комиссари А. Муҳаммадёров ҳужумга ўтишгача бўлган фурсатдан фойдаланиб, барча жангчиларга душманни тор-мор этишда уларнинг Ватан ва халқ олдидаги бурчини эслатиб, жасоратга чорлади.

Полк офицерлари билан кенгашгандан сўнг Капров разведкачи взводимиз командири лейтенант Мендигазин билан мени олиб қолди. У бизнинг олдимизга кечаси соат 12 да разведкачи взводимиз билан никоб кийиб чанғида яширин равишда душман орқасига ўтиб олишни, сўнгра соат тўртда орқа томондан Новосвинухово қишлоғига бостириб кириш вазифасини қўйди. Худди шу пайт капитан Гундиловичнинг бош батальони Новосвинуховога шимолий-шарқдан ҳужум қиладй, — деди у.

Взводни кучайтириш мақсадида бизга чанғига ўрнатилган бир пулемёт ва танкка қарши қуроллилар бўлинмасини қўшиб беришди. Капров билан Муҳаммадёров қўлимизни қисиб, муваффақиятлар тилаб қолишди.

Йўлга чиққанимизда совуқ шамол эсарди. Дам ўтмай у бўронга айланди. Бу бизга жуда қўл келди. Белгиланган жойга ўтиб маҳкам ўрнашиб олдик. Соат тўрт. Пулемётнинг ўт очиши—бу бизнинг ҳужумимизга сигнал эди.

— Ўт оч!

Комсомол Василий Минаев тепкини босди. Пулемёт тилга кирди. Автомат ва милтиқлардан отилаётган ўқлар унга жўр бўлди.

Пулемёт ўти ҳимоясида биз чанғиларда қишлоққа кирдик, кўча жанглари бошланиб кеди. Айни пайтда иккинчи батальоннинг бешинчи ротаси командир Икром Жалилов* бошчилигида «ура» садолари остида шимолий-шарқ томондан Новосвинуховога бостириб кирди. Бир соат ичида қишлоқни бутунлай эгаллаб олдик. Шу ердан биз панфиловчилар душман мудофаа истеҳкомларини ёриб ўтишга муваффақ бўлдик. Уччала қишлоқни қўлга киритиш билан бирга душман гарнизонлари бутунлай яксон қилиб ташланди. Немислар ҳарбий стратегик пунктни қўлдан бермаслик учун бир неча бор урниб кўрдилар. «СС» дивизиясининг сараланган қисмлари уч марта ҳужумга ташланиб, катта талафот билан чекинишга мажбур бўлди. Улар 7 мотоцикль, бир радиостанция, 2 миномёт, 2 замбарак, 2 пулемёт, 5 қурол-ярог машинаси ва 2 юк машинасини озиқ-овқати билан қолдириб чекиндилар..

Бош батальонга кечаси соат 2 да Каменки қишлоғига ҳужум қилиб, душманни янчиб ташлаш ва қишлоқни эгаллаш ҳақида буйруқ берилди. Вақт жуда зиқ, қишлоққача яна 4 километр йўл босиш керак эди. Бунинг устига, чекинаётган душман йўлларга мина қўмиб кетаётган эди.

Тун совуқ, атрофни тутун қоплаган. Эсаётган изғирин қорни учириб юзларга урар, устига-уст чекинаётган душман изини кўмиб кетмоқда. Новичка қишлоғига кираверишдаги йўл миналаштирилган экан. Олдинда бораётган разведкачилар минага дуч келиб портладилар. Мен билан ёнма-ён келаётган жангчини мина осмонга учириб юборди. Шу пайт полк командирининг ўринбосари капитан Мамиш ўғли етиб келди.

— Нима бўлди?

— Бу ер миналаштирилган экан, уч жангчимиз ҳалок бўлди. Сапёрлар келмагунча силжиб бўлмайди.

— Вақт кетяпти, — деди у менга қизишиб, — соат бир бўлди. Қишлоққача ҳали уч километр бор. Нима, жонинг ширин кўринянтими?

Мамиш ўғли отини ўнгга бурди.

— Николай, орқамдан! — дея буюрди ординарига, сўнг отини ўрмонга қараб елдириб кетди. У ўрмонни кесиб ўтиб, унинг четига чиқди-да, рўпарамизда тўхтади.

— Менинг изимдан!

Мен бошимни қуйи солганимча ўрмон оралаб Мамиш ўғли изидан борардим. Колонна орқамдан эргашди. Ер ёрилмади-ю, кириб кетмадик. Биз учун командир ўринбосари йўл очиб берса...

Жангда нималар бўлмайди, дейсиз. Душман ҳар бир қадамда қаршилик кўрсатар, унинг қаршилигини синдириш унча осон эмасди, бирок биз ўлимга юзмаюз бордрдик. Уруш қурбонсиз бўлмайди, лекин минага дуч келиб бекордан-бекор ўлиб кетиш жуда ҳам алам қилади-да.

Душман қишлоққа жуда мустаҳкам ўрнашиб олган. Бироқ нима бўлса ҳам уни ёриб ўтиш керак эди. Душман ажал ўқи ёғдириб турган бир пайтда старший лейтенант Икром Жалилов* ротаси очиқ майдонга етиб олди.

Биз пастқам жойга ўрнашдик. Батальон командири Гундилович душманнинг ўт очиш нуқтасини аниқлаб келиш тўғрисида буйруқ берган ҳам эдики, қаттиқ портлаш юз берди. Ҳаво тўлқини Жалиловни бир четга уроқтириб ташлади. У ўрнидан турарган, бизни унга ташланганимизни кўриб:

— Етинглар! — дея қичқирди.

Унга ҳеч чарса қилмаганини кўргач, турган жойимиздан 200 метрча нарига эмаклаб бордик. Чунки, душман биз ётган чуқурчани миномётдан ўтга тута бошланди.

Капитан Гундилович душман бизни кутиб турган экан, акс ҳолда бунчалик шошиб қолмасдик, деди. Мен ўрмон орқали душман ортига ўтиб олиш кераклигини айтдим. Фикримга капитан ҳам қўшилди. Операцияни бажариш учун комсомол Анатолий Зайцев бўлинмаси ажратилди. Группани бошқаришни менга топширишларини сўрадим. Капитан Гундилович розй бўлди.

Қоронғуликдан фойдаланиб чанғиларда ҳадемай қишлоқнинг нариги томонига ўтиб олдик. Чанғиларни ташлаб, қишлоқ четидаги саройга қараб эмаклаб бордик. Душман Жалилов ротаси билан овора бўлиб турган учун бу томонга парво ҳам қилмасди. Зайцевга: «душман пулемётлари ва миномётлари қаергалигини билиб, овозини ўчириш керак» — деб шивирладим.

Худди шундай қилдик. Автоматдан икки сидра ўқ ёғдириб икки пулемёт овозини ўчирдик. Душман саросимага тушиб қолди. Сўнгра бизга карата ўт очишди. Биз турган сарой ёниб кетди. Бир амаллаб қўшни уйга ўтиб олдик. Гитлерчилар ёнаётган саройга ташланишди. Улар автоматлардан бараварига ўт очиб келишарди. Биз ҳам қўл пулемёти ва автоматлардан ўт очиб биринчи қаторни ер тишлатдик. Бирдан пулемётимиз тиниб қолди. Пулемётчи Тойжон Рустамовга ўқ теккан. Бундан фойдаланган фашистлар ўринларидан туриб ҳужумга ўтдилар. Сержант Зайцев Рустамовнинг ўрнини эгаллаб, душманни яна ётишга мажбур қилди.

Худди шу пайт Жалилов ротаси душман мудофаасини ёриб ўтиб, қишлоққа кирди. Душман талвасага тушиб қоча бошлади. Қўлларн ўққа учиб, ер тишлаб қолишарди.

Зарба яшин тезлигида берилди. Душманнинг бизнинг ҳужумимизни тўхтатиб қолмоқчи бўлган йирик мудофаа пункти қуладй. Немислар шу жангда 170 аскаридан, 8 автомашина ва анчагина қурол-яроғдан маҳрум бўлдилар.

Бизнинг Қизил байроқли панфиловчи дивизиямиз душман фронтини муваффақиятли ёриб ўтгани ва 250 дан ортиқ аҳоли пунктларини озод қилгани учун 1942 йилнинг 16 мартида СССР Олий Совети Президиуми томонидан олий мукофот — Ленин ордени билан тақдирланди.

Б. ЖЕТПИСБОЕВ,
панфиловчи.

Суратда: Болтабек Жетписбоев [ўртада] панфиловчилар — Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари Г. М. Гилмянин ва И. Р. Васильев билан суҳбатлашяпти.

* Икром Жалилов — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси фалсафа ва ҳуқуқ институтининг катта илмий ходими, юридик фанлар кандидати.

ЛЕНИН МИРЗАЧЎЛДА

ОЧЕРК

Райком биносига кираверишда каттакон портретга кўзингиз тушади. Унинг атрофи одамлар билан гавжум. Бир қараб ўтай, дейсиз, беихтиёр. Яқинлашасиз. Кўз ўнгингизда Владимир Ильичнинг нуроний сиймоси гавдаланади. Улуғ доҳий Мирзачўл харитаси олдида турибди: ўнг қўли билан харитани авайлаб сийпалаяпти, чап қўлида блокнот... Ленин азим чўлга нигоҳ ташлаяпти, «қуш учса қаноти, одам юрса оёғи» қуйган саҳрони инсоннинг хизмат қилдириш йўлларини ўйлаяпти.

— Туркистонда суғориш ишларига 50 миллион сўм пул ажратиш ва суғориш ишларини ташкил қилиш тўғрисидаги Декретга Ленин бобо ўша вақтда қўл қўйганлар-да! — деди кимдир шеригига.

— Бир минг тўққиз юз ўн саккизинчи йилнинг ўн еттинчи майида, — деди яна аллаким.

Булар Сирдарё давлат педагогика институтининг студентлари эканлигини уларнинг мулоҳазаларидан, фикр юритишларидан англаб олиш унча қийин эмасди.

Кимдир «Муҳиддин Каримовични телефонга чақиришяпти», деди-ю, ҳаёлим бўлинди. Ялт этиб қарасам, шундоққина ёнма-ён Каримов ҳам турибди. Новча бўйли, қоровли, ҳаракатчан бу йигит шу — Сирдарё район партия комитетининг биринчи секретари бўлиб ишлашини билардим. Илиқкина кўришдик-да, кабинетига кириб кетдик.

Муҳиддин Каримов обком секретари билан пахта йиғим-теримининг бориши тўғрисида телефонда гаплашар экан, юрагида борини, гапнинг тўғрисини, коммунистларнинг, райондаги барча меҳнаткашларнинг қалбидагини айтди:

— Юбилей йили мажбуриятларининг ҳаммасини ошириб бажарамиз, Ленининг ўз йиллигига муносиб совға тайёрлаш ишидан ҳеч ким четда қолаётгани йўқ.

У телефон трубкасини қўйди-да:

— Мирзачўл ерлари — олтин ер, меҳнатини жойига қўйган киши дур ундиради, сира доғда қолмайди, — деди. Сўнгра ўрнидан туриб, кабинет деразаларини очиб қўйди. Иккинчи қаватдан Ленининг портрети ёнида улуғвор, тағин ҳам жозибалироқ кўринарди.

— Юринг, пастга тушамиз! — таклиф этди райком секретари.— Ленининг Мирзачўл харитаси олдида тушган суратини кўрганимда ҳаяжонга тўлиб кетаман. Мирзачўлни ўзлаштириш тарихи кўз ўнгимдан бирма-бир ўта бошлайди.

Тағин Ленин портрети олдида турибмиз. Гўё Владимир Ильич билан гаплашаётгандек сезамиз ўзимизни. Райком секретари менга, мен ўзимга қараб қўямиз. Ўйлаб кетамиз.

— Владимир Ильич билиб Мирзачўлга маблағ ажратганлар, — деди ҳалигача индамай турган Муҳиддин Каримов. — Ўша эллик миллион сўмнинг шарофати. Ленининг табаррук имзоси шарофати билан Саҳрои Кабирга қиёс қилинган Мирзачўлни ҳозир таниб бўлмайди...

Райком секретари шу сўзларни айтаркан, яна беихтиёр доҳий сиймосига тикилиб қолди. Назаримда, унинг қалин лаблари шивирлаб, алланималарни ҳаёлидан ўтказарди. Ҳа, у Мирзачўл ерларини ўзлаштириш иши билан боғлиқ бўлган воқеаларни эслаяпти:

— Тарихий Декретга имзо чекилганидан кейинги кунлар... Владимир Ильич Мирзачўлга маблағ билан айни бир вақтда йирик гидротехник мутахассисларни, олимларни ҳам юборди. Улар Сирдарё станциясига етиб келишди-ю, теварак-атрофга қараб қайрон қолишди. Ҳаммаёқ қамишзор, ботқоқ эди. Пашшаларнинг «минг»иллаб учиши-ю, қурбақаларнинг бетиним қуриллаши бу ерларга ҳали ҳақиқий ҳаёт келмаганлигидан дарак бериб турарди.

Ленин йўлланмаси билан келган мутахассислар сира иккиланишмади. Ишга безгак касаллигига қарши курашдан бошлашди. Дори-дармон ахтаришди, одамларнинг дардига шифо топишди. Орадан сал ўтмай касаллик камая бошлади, кейинчалик батамом йўқотилди. Биринчи хўжаликлар ташкил этилиб, чўлга ҳужумга ўтилди.

Кутилмаганда райком секретари жилмайиб қўйди. Бунинг сабабини билгим келди. Сўрадим:

— Бирор қизиқ воқеа эсингизга тушди-ми, дейман?

— Галати бир ривойт ёдимга келди, — дея гап бошлади у ҳамон жилмайиб. — Мирзачўлда бир вақтлар Қаҳ-Қаҳ деган ҳоким ишлаган экан. Унинг Ҳавасхон исмли дилбар қизи бўлган дейишади. Бир куни гўзал малика бетоб бўлиб қолибди. Ҳоким саройидаги хизматкорлар, донолар Ҳавасхонни фақатгина ширин-шакар мевачева билан соғайтириш мумкинлигини айтишибди. Шунда ҳоким бир неча кишини мева келтиргани юбормоқчи бўлибди. Доноларидан бири эса, ҳар қаернинг ҳам меваси бўлавермайди, фақат Мирзачўлнинг қайноқ қалби — юраги бўлиб қолиши керак, деб бунёдкорлар меҳнат қилишяпти. Ҳар бир ишда, ҳар бир ўзгаришда Ленининг сўзини, изини кўргандай бўламан. Чунки, ҳозир — Сирдарё райкоми биноси ёнида мен ана шу табаррук инсонни кўриб, у билан суҳбатдошаётгандек бўлиб турибман.

— Сиз ҳам бир нарсани эслаб қолганга ўхшайсиз? — сўради райком секретари.

— Фикран Янгиер шаҳрига бориб келибман-ан! — дедим.

— Ҳали айтмадимми, Ленининг Мирзачўл харитаси ёнидаги портретига қараганингиз сари чўлдаги барча ўзгаришлар кўз ўнгингизда намоён бўлаверади, деб. Келинг, мен сизга бошқа бир ажойиб воқеа тўғрисида бир шингил гапириб берай! — деди у.

— Айни муддао бўлдари-да! Ўзим ҳам Мирзачўлда Ленин Декрети қандай амалга ошаётганлиги ҳақида материаллар тўплаб юрибман.

— Ўх-ҳў, билсангиз эди, —деб гап қотди райком секретари, — Мирзачўлда Ленин номи билан боғлиқ бўлган шундай ўзгаришлар рўй берди-ки, таърифига сўз топиш қийин. Сўнгра бирдан сўраб қолди:

— «Қизил директор» ҳақида эшитганмисиз?

— Нўғ Қани, эшитгайлик-чи?

— Бўлмаса, қулоқ солинг! — деди Каримов Мирзачўл харитасидаги «Сирдарё» деган ёзувга ишора қилиб. — Бу ердан ўн иккиўн уч километр нарида «Пахтаорол» совхози жойлашган. У Мирзачўлда ташкил топган тўнгич хўжалик. Саҳровий ўзлаштириш аслида шу ердан бошланган. Дастлабки йиллари минг тоннага етар-етмас пахта берган. Ҳозир эса ҳар йили 20 мингтоннадан зиёд «оқ олтин» топширади. Иттифоқимиздаги энг зўр совхозлардан бири. Совхоз тарихи жуда ажойиб-ғаройиб.

Шундай деди-ю, у «қизил директор» билан бўлган унутилмас воқеани хаёлига келтирди: Совет Иттифоқи пахта мустақиллиги учун кураш бошлаган йиллар эди. Ўртоқ Ленин Мирзачўлда «Пахтаорол» совхозидан ташқари тағин бир нечта пахтачилик хўжалиги тузиш зарурлигини уқиради, Мирзачўл ерларини ўзлаштиришни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганлигини, Янгиер шаҳрини шундоққина кўриб турибман: ҳа, шаҳар ўрни чиндан ҳам қип-қизил чўл эди. Ленин авлоди қадам босди-ю, гулистон бўлди. Одамлар орзу қилган ажойиб шаҳар қад кўтарди. Қирқ минг кишини сахий сийнасига олган чўлқуварлар шаҳри бутун чиройини, ҳуси-латофатини, салобатини кўз-кўз қилиб турибди. Ойнадек ярқираб турган асфальт йўллар, ям-яшил дарахтларни икки елкасида даст кўтариб турган кўркам хиёбонлар, қўшқаватлар, ҳашқомат биноларва улар тепасида қулоч ёйиб турган телевизион антенналар, ҳовлилардаги анвойи гулларнинг муаттар ҳиди, қалин боғ-бўстонлар, хуллас, ҳамма-ҳаммаси чўл юзига хол бўлиб тушган, бу шаҳар кўркига-кўрк қўшган.

Шаҳар юраги гуп-гуп урааётгандай туюлди шу топда. Ҳаёт бамисоли булоқдай мавж уради, темир-бетон буюмлари ва конструкциялари комбинати, зовурлар учун қулоч етмас трубалар ишлаб чиқарувчи завод, керамика, ун заводлари, бошқа корхоналар ҳамиша ўйғоқ... Кенжатой шаҳар қурилишини ўн учта қурилиш ташкилоти давом эттиряпти. Қурилиш ҳавозалари, полвон экскаваторлар, девкор механизмларнинг барчаси шаҳарни чўл ичкариси томон етаклаб, кетишяпти, кенгайтиришяпти. Вақти келиб Янгиер шаҳрида ярим миллион киши яшаши керак, бу ер Мирзачўлнинг қайноқ қалби — юраги бўлиб қолиши керак, деб бунёдкорлар меҳнат қилишяпти. Ҳар бир ишда, ҳар бир ўзгаришда Ленининг сўзини, изини кўргандай бўламан. Чунки, ҳозир — Сирдарё райкоми биноси ёнида мен ана шу табаррук инсонни кўриб, у билан суҳбатдошаётгандек бўлиб турибман.

— Сиз ҳам бир нарсани эслаб қолганга ўхшайсиз? — сўради райком секретари.

— Фикран Янгиер шаҳрига бориб келибман-ан! — дедим.

— Ҳали айтмадимми, Ленининг Мирзачўл харитаси ёнидаги портретига қараганингиз сари чўлдаги барча ўзгаришлар кўз ўнгингизда намоён бўлаверади, деб. Келинг, мен сизга бошқа бир ажойиб воқеа тўғрисида бир шингил гапириб берай! — деди у.

— Айни муддао бўлдари-да! Ўзим ҳам Мирзачўлда Ленин Декрети қандай амалга ошаётганлиги ҳақида материаллар тўплаб юрибман.

— Ўх-ҳў, билсангиз эди, —деб гап қотди райком секретари, — Мирзачўлда Ленин номи билан боғлиқ бўлган шундай ўзгаришлар рўй берди-ки, таърифига сўз топиш қийин. Сўнгра бирдан сўраб қолди:

— «Қизил директор» ҳақида эшитганмисиз?

— Нўғ Қани, эшитгайлик-чи?

— Бўлмаса, қулоқ солинг! — деди Каримов Мирзачўл харитасидаги «Сирдарё» деган ёзувга ишора қилиб. — Бу ердан ўн иккиўн уч километр нарида «Пахтаорол» совхози жойлашган. У Мирзачўлда ташкил топган тўнгич хўжалик. Саҳровий ўзлаштириш аслида шу ердан бошланган. Дастлабки йиллари минг тоннага етар-етмас пахта берган. Ҳозир эса ҳар йили 20 мингтоннадан зиёд «оқ олтин» топширади. Иттифоқимиздаги энг зўр совхозлардан бири. Совхоз тарихи жуда ажойиб-ғаройиб.

Шундай деди-ю, у «қизил директор» билан бўлган унутилмас воқеани хаёлига келтирди: Совет Иттифоқи пахта мустақиллиги учун кураш бошлаган йиллар эди. Ўртоқ Ленин Мирзачўлда «Пахтаорол» совхозидан ташқари тағин бир нечта пахтачилик хўжалиги тузиш зарурлигини уқиради, Мирзачўл ерларини ўзлаштиришни дадиллик билан давом эттиришни алоҳида таъкидлайди.

Мана, «Пахтаорол» совхозининг биринчи директори Александр Семенович Орлов Москвада, уни Ленин ҳузурига чақиришган. Ильич Орловни жуда самимий кутиб олади, ўрнидан туриб қадрдонларча кўришади ва бундай дейди:

— Сизни пахтачилик бўйича мутахассис деб эшитдим.

— Пахтачиликдан оз-моз хабарим бор-у, лекин унчалик эмас, ўртоқ Ленин! — дейди Орлов камтарлик қилиб.

Владимир Ильич хушчақчақ кулиб юборди:

— Сезиб турибман, камтарлик қиляпсиз. Буни менга Михаил Васильевич Фрунзе гапириб берганди. У одам ҳеч қачон нотўғри гапирмайди. Сизни директорликка тавсия қилган киши ҳам Михаил Васильевич бўлади. Мен розиман: майли, Мирзачўлда биринчи қизил директор сиз бўласиз.

— Мендан қанақа мутахассис, қанақа директор чиқарди, Владимир Ильич! Собиқ қора ишчи, Николай Романов «ҳазрати олийларининг» қарамоғидаги ерларда қора ишларни бажариб, тинкам қуриган бўлса...

Владимир Ильич унинг гапини бўлиб:

— Ўртоқ Орлов, Совет ҳокимиятининг хусусиятлари шундан иборатки, у қора ишчилар оммасини давлатни идора қилишга тортади! — деди.

Орлов онадан туғилиб, бундай гапларни биринчи марта эшитяпти. Шу боисдан бўлса керак, қалби ҳаяжонга тўлиб кетди, ўзини бамисоли осмон шиддатига бош тираб турган юксак қоя қаршисида тургандай ҳис этди. Ялт этиб Ленинга қаради. Шундай кичик бир гавдада тенгсиз куч-ғайрат, донишмандлик, ақл-заковат борлигини пайқаб, ҳатто ўз кўзларига ҳам ишонмагандай бўлди. Бир пас жим қолди, нимадир демоқчи бўлди-ю, айтолмади. Буни фаҳмлаган Ильич Орловнинг елкасига қўл ташлаб:

— Энди ўтиринг! — деб юмшоқ ўриндиқдан жой кўрсатди.

Владимир Ильич билан Орлов ўртасидаги суҳбат узоқ давом этмади. Чунки, Орлов доҳийни жуда яхши гушунган, унинг ҳар қандай топшириғини бажаришга тайёр эди. Бу ҳақда Ленинни ҳам ишонтирди, ишончингизни оқлаш учун қўлимдан келганини аямайман, Владимир Ильич! — деди.

— Совхозга қандай ном қўйсак? — бирдан сўраб қолди Ленин...

— «Пахтасрол» деб ном берсак, қандай бўларкин! — деди Орлов.

Владимир Ильич тағин сўради:

— Кечирасиз, «Пахтаорол» дегани қандай маънони англатади?

— Русчага таржима қилсак, «Пахта ороли» деган маънони билдиради, — жавоб қилди Орлов.

— Орол? Ҳа, ҳа майли, ҳозирча орол бўлиб турсин. Вақти келиб, бизда пахта денгизи ҳам бўлади! — дейди Ленин ишонч билан.

* * *

Каримовнинг хаёли бўлинди, чоғи, менга қараб гап қотди:

— Мамлакатимизда пахта денгизи ҳам бўлади деганида, Владимир Ильич миллион марта ҳақ эди. Лоақал, Мирзачўлни олиб қаранг. Саҳро эди, пахтазор бўлди, бустон бўлди Ленин буни илгари-дан кўрган эди.

Райком секретари ҳақ гапни айтди. Ленининг Мирзачўл харитаси олдидаги нуроний сиймосига қараган ҳар бир кишининг кўз ўнгида ана шуларнинг ҳаммаси намоён бўлади. Ўшанда буюк ўзгаришларнинг ҳар бирида: осмонўпар пахта тоғлари-ю, Мирзачўлнинг ширин-шарбат боғларида, каналларнинг шарқираб оқиши-ю, чўлқувардарнинг жилмайиб боқиши, инсонларнинг асрий орзусини рўёбга чиқарган қалби қайноқ совет кишиларининг, кундалик ишида, турмушида Ленининг изини, доҳийнинг ўзини кўргандай бўлади, одам!

Ҳа, Ленин — биз билан! Ленин — Мирзачўлда, оташнафас одамларнинг тилида, дилида, қалбининг қўрида! Пахта денгизининг ижодкори, шу улкан денгиздаги буюк кеманинг биринчи капитани — йўлчи юлдузи ҳам Владимир Ильич Ленидир!

Самад ҚОДИРОВ.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг кўпминг килограммчи теримчиси Ҳалима Носирова мусобақа пешқадами. У мавсумда 12 тонна пахта териш юзасидан олган мажбуриятини бажариш мақсадида унумли меҳнат қиляпти. Суратда: Ҳ. Носирова.

Р. Жуманиёзов фотоси.

ИШЧИНИНГ ДЕҲҚОНГА ЖАВОБИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари) В. И. Ленин номидаги Самарқанд «Красний двигатель» заводи мастери, Жалол Ғиёсов донгдор пахтакор Шоймардон Қудратов мактубига жавоб йўлларди. У ўз мактубида бундай дейди:

«Мен Ургутда туғилганман. Ота-бободларим деҳқончилик билан шуғулланишган. Шу сабабдан ер нималигини, деҳқон меҳнати нақадар машаққатли эканлигини яхши биламан. Менга ўхшаганлар заводимизда ҳам, қолаверса Ўзбекистон ёш ишчилари сафида ҳам кам эмас. Бизнинг улкан заводимиз механизациялаштирилган замонавий корхона бўлиб, қишлоқ аҳлига хизмат кўрсатиш, ерларнинг унумдорлигини тағин ҳам ошириш учун бунёд этилгандир. Биз деҳқоннинг оғирини енгил қиладиган тракторлар учун запас қисмлар тайёрлаймиз».

Ўртоқ Ж. Ғиёсов бошчилик қилаётган участка ишчилари «ДТ» тракторлари учун поршчинлар тайёрлаш топшириғини ҳамма вақт ортиғи билан бажариб келаётганлигини ёзади.

«Красний двигатель» заводи республикадаги кўпгина корхоналар сингари ўз оталиғидаги «Москва» колхози (Оқдарё районида) деҳқонларига мадад бермоқда. Бу хўжаликка завод ишчилари токарлик станоги ўрнатиб беришди. Автомашиналар ремонтига қарашишди. Ғўза парваришида улар хўжаликка мадад бериш мақсадида хашарга чиқишди.

Жонқуяр ишчи область саноат, транспорт корхоналари, қурилиш ташкилотлари, ишчи ва хизматчиларини пахта йиғим-теримида деҳқонларга кўмаклашишга даъват этди:

Бу йилги пахта йиғим-терими ҳаммамизнинг жонажон ишимиздир. Пахта учун ҳар бир киши жавобгар! Сен пахта фронти учун нима қилдинг? — деган саволга ҳар биримиз қўлимиздан келган ҳамма ишни қилдик, деб жавоб берайлик!..

А. АБДУҚОДИРОВ, Л. ЭРГАШЕВ.

ПАХТАНИ ЁНҒИНДАН САҚЛАНГ

Серқуёш республикамиз меҳнаткашлари белоён далаларда олинган социалистик мажбуриятлар бажарилишини таъмин лайдиган даражада «оқ олтин» етиштиришдилар. Илғор хўжаликлар, районлар, областлар теримга пахта тайёргарлик кўрган ҳолда киришдилар. Айрим бригадалар, хўжаликлар пахта тайёрлаш йиллик планларини бажариб қўйдилар.

Лекин, кўпгина колхоз ва совхозларда ҳосил йиғим-терими эндигина оммавий тус олмоқда. Мамлакатга 4 миллион 100 минг тонна пахта етказиб бериш учун кураш кучаяётган шу кеча-кундузда ҳосилни нобуд қилмаслик ва уни ёнғиндан сақлаш айниқса муҳимдир. Буни яхши англаган кўпгина хўжаликларнинг раҳбарлари ёнғин хавфига қарши кураш чораларини ўз вақтида амалга оширдилар.

Лекин ёнғин хавфининг олдини олиш ишлари ҳамма жойда ҳам талабга жавоб берарли даражада, деб бўлмайди. Ўтган йили тракторнинг тутун қайтарадиган трубасидан учқунлар чиққанлиги оқибатида Тошкент областидаги Янгибозор пахта тайёрлаш пунктида ёнғин содир бўлган эди. Бу йилги йиғим-терим мавсумида ана шундай кўнгилсиз воқеалар рўй бермаслиги учун нима қилиш керак?

Биринчи галда тракторларнинг ёнилғи ва мойлаш системалари тўла регулировка қилинган бўлиши шарт. Ёнғин хавфига қарши кураш инвентарларининг барчаси — ўт ўчириш асбоблари, белкураклар ва бошқалар созлаб, тахт қилиб қўйилиши зарур. Трактор двигателининг тутун чиқарадиган трубасига учқун ўчирувчи асбоб ўрнатилиши ҳам ёнғин хавфининг олдини олади. Ана шу қоидаларни амалга оширмасдан туриб, пахта териш ва ташишга киришиш мумкин эмас.

Далаларда, хирмон жойларда, пахта қабул қилиш пунктларида чекиш мутлақо ярамайди. Махсус ажратилган жойларда папирос чекканди кейин унинг қолдиғи албатта ўчириб ташланиши керак. 1968 йил 30 сентябрда Андижон районидаги Карл Маркс номли колхоз пахта хирмонида кимдир папирос чекиб, қолдиғини ташлаган. Натижада хирмонда ёнғин кўтарилган. Худди шундай воқеа Сурхондарё областидаги «Қумқўрғон» пахта тайёрлаш пунктида ҳам содир бўлган эди. Ўтган йилнинг ана шу сабоқларидан тегишли хулоса чиқариб олиш лозим.

Бошқа эҳтиётсизликлардан ҳам ёнғин кўтарилиши мумкун. Масалан, ўтган йили Хоразм областининг Урганч районидаги пахта хирмонларининг бирида, электр плиткаси қаровсиз қолдирилганлиги натижасида ёнғин содир бўлган эди. Бундай воқеаларга йўл қўймаслик учун овқат пишириладиган ўчоқлар пахта хирмонларидан юз метр нарида бўлмоғи лозим. Овқат тайёрланганида ва чой қайнатилганидан кейин оловнинг кули сув сепиб ўчирилмоғи лозим. Шундай қилинмаса иссиқ кул орасида чўғ қолиб кетиши ва оқибатда ёнғин чиқиши мумкин.

Хирмон жойларда болаларнинг гугурт билан ўйнашига йўл қўймаслик керак. Ўтган йили 9 октябрь куни Гурлан районидаги Карл Маркс номли колхоз пахта хирмонида болалар гугурт чақиб ўт чиқаришган. Худди шундай аҳвол Қува районидаги 1-пахта пунктида ҳам рўй берган эди.

Пахтани қабул пунктларига ташишда жуда кўп транспорт қатнашади. Бу йил ҳам етиштирилган ҳосил автомашиналарда, трактор прицепларида қоп-қанорсиз ташилади. Шунга кўра бундай транспорт воситаларини ёнғин хавфига қарши кураш асбоб-ускуналари, белкураклар ва бошқа зарур нарсалар билан таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Автомашиналарнинг кузовларида тирқишлар бўлмаслиги керак. Пахта ортилган транспортларда одамларни ташишга йўл қўйилмасин. Чунки, бундай одамларнинг бири бўлмаса бири папирос чекиб, ёнғин чиқишига сабабчи бўлиши мумкин.

Пахтани электр симлари ўтган жойларда қуритишга рухсат берилмасин. Терилган ҳосил фақат бетон ётқизилган ва асфальтланган махсус майдончаларда қуритилиб, сўнгра тайёрлов пунктларига жўнатилиши керак.

Ана шу асосий қоидаларга риоя қилинган тақдирдагина пахтани ёнғин хавфидан сақлаб қолиш мумкин.

П. КАЗАКОВА,
Ёнғинга қарши кураш республика кўнгилли жамияти ташкилий-оммавий ишлар бўлимининг инструктори.

АГРЕГАТЛАР ПАХТАЗОРДА

Қашқадарё областидаги «Косон» совхозининг қизлари «зангори кема»ларни далаларга олиб чиқишди. Зулайхо Муродова, Муаззам Раҳматуллаева, Гулажон Зойровалар бу машиналарни бошқармоқдалар. Тўрт қаторли «Узбекистон» маркали энг яхши машиналарда дастлабки бир неча тонна пахта бункерлардан тўкилди.

Қашқадарё областидаги энг йирик «Косон» совхозининг механизаторлари бу йил машиналарда 4.600 тонна, яъни ҳосилнинг учдан икки қисмини териб олишга аҳд қилдилар.

КУЗГИ ДОН ЭКИЛМОҚДА

Сурхондареда хуш хабар келди: областнинг ғаллакорлари дон экишга киришдилар. Шеробод районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг шартли суғориладиган ерларидаги участкаларга «Безостая-1» навли буғдой экилди. Тоғ бағридаги Бойсун районининг совхозлари ҳам дон экишга бошладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармони

Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексини амалга киритиш тартиби тўғрисида

«Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 1969 йил 6 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонунига (Ўзбекистон ССР Олий Советининг Ведомостлари, 1969 йил, № 16) мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР қонунлари Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексига мувофиқ ҳолга келтирилгунга қадар республикада амал қилувчи никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун актлари, башарти Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексига хилоф бўлмаса, қўлланилаверади.

2. Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси мазкур Кодекс амалга киритилгандан кейин, яъни 1969 йил 1 октябрдан бошлаб вужудга келган никоҳ ва оила муносабатларига нисбатан қўлланилади.

1969 йил 1 октябрга қадар вужудга келган никоҳ ва оиладий муносабатлар масаласида Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси фақат ушбу Кодекс амалга киритилгандан кейин вужудга келувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 27-29-, 35-, 36-, 38-, 71-, 98- ва 117-моддаларида ҳамда «Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 1969 йил 6 июнда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонунининг 2- моддаси «б» бандида баён қилинган нормаларни қўллаш тартиби ушбу Фармоннинг кейинги моддаларида белгилаб берилган.

3. СССР Олий Совети Президиумининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларини амалга киритиш тартиби ҳақида» чиқарган 1968 йил 20 сентябрдаги Фармонига мувофиқ:

а) Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 27-, 28- моддаларида ва 29- моддасининг иккинчи қисмида эр-хотиннинг мулкини бўлиш тўғрисида баён қилинган қоидалар эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулки бўлган жами мулкларга, шу жумладан улар 1968 йил 1 октябрга қадар сотиб олган мулкларга нисбатан ҳам қўлланилади;

б) Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 35- ҳамда 36- моддаларида меҳнатга лаёқатсиз муҳтож эр ёки хотиннинг никоҳдан ажралишгандан кейин шу хотини ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқи сақланиб қолиши тўғрисида баён қилинган қоидалар никоҳ ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг никоҳ ва оила тўғрисидаги қонун Асосларини амалга киритилгунга қадар бекор қилинган, лекин никоҳдан ажралган эр ёки хотин илгари амал қилиб келган қонунларга мувофиқ 1968 йил 1 октябрга қадар хотини ёки эридан таъминот олиш ҳуқуқини йўқотмаган ҳолларда ҳам қўлланилади;

в) Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 98- моддасида алимент миқдорини камайтириш ёки алимент тўлашдан озод қилиш ҳақида белгилаб қўйилган қоидалар алимент суднинг 1968 йил 1 октябрга қадар чиқарган қарорига биноан олинаётган ҳолларда ҳам қўлланилади.

5. Гражданлик ҳолати актларини қайд қилиш дафтарига боланинг отаси (онаси) сифатида ёзилган шахсга бу ёзув ушбу Кодекс амалга киритилгунга қадар маълум бўлган ёки билиниши лозим бўлган ҳолларда, оталик (оналик) тўғрисида низолашиш учун Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 71-моддасида белгиланган бир йиллик даъво муддати 1969 йил 1. октябрдан бошлаб ҳисобланади. Агарда бу шахс қайд қилинган ёзувни билган ёки билиши лозим бўлган вақтдан бошлаб уч йиллан кўпроқ муддат ўтган бўлиб, бу муддат суд томонидан тикланмаган бўлса, у ҳолда оталик (оналик) ҳақидаги ёзувни ҳақиқий эмас деб ҳисоблаб бўлмайди.

6. Ўзбекистон ССР Никоҳ ва оила кодексининг 117- моддасида тарбиячиларнинг ўз тарбиясида бўлган шахслардан таъминот олиш ҳуқуқи ҳақида баён қилинган қоидалар тарбия ва таъминот мазкур Кодекс амалга киритилмасдан олдин беш йил давом этган ҳолларда ҳам қўлланилади.

7. Ушбу Фармон 1969 йил 1 октябрдан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Е. НАСРИДДИНОВА.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Р. САХИБОЕВ.

Тошкент шаҳри.
1969 йил, 25 сентябрь.

ОЛИМЛАР ҲАМКОРЛИГИ

САМАРҚАНД, 24 сентябрь. (ЎзТАГ махсус мухбири). ЮНЕСКОнинг Темурийлар даври санъатига бағишланган симпозиуми ўтказилаётган Самарқандда жаҳондаги кўп халқларнинг тили эшитилмоқда. Осиё, Яқин Шарқ, Европа ва Америкадаги турли мамлакатлар илмий коллективлари ва ташкилотларининг вакиллари ўзларининг совет ҳамкасблари билан бирга шарқшунослигнинг актуал проблемаларидан бирини ҳар томонлама муҳокама қилмоқдалар. Аввал бошдан бу халқаро учрашув халқлар ўртасида ҳамжиҳатликни ўстириш ва тараққиёт манфаатлари йўлида олимларнинг мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорлиги белгиси остида ўтмоқда.

Бугун эрталаб симпозиумнинг иш тартибига киритилган умумий масалалар, шунингдек архитектура масалаларига доир фикрлашув бўлди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси профессор Г. А. Пугаченкова «Темурийлар даври меъморчилигининг асосий томонлари» тўғрисида қилган доклад ҳаммани қизиқтирди. Докладчи учрашув қатнашчиларини Ўзбекистон ва Совет Иттифоқидаги бошқа республикаларнинг олимлари ўтказган кенг тадқиқот натижалари билан таништирди. У темурийлар даври Ўрта Осиёда шаҳар қурилиши кенг қулоч олганлиги билан аъзоларни эканлигини уқтирди. Шу даврда бу ерда юксак ривож топган архитектура мактаби яратилган ва у муваффақият билан ишлаб турган бўлиб, кўпгина истеъдодли меъморларни бирлаштирган ва минг-минглаб халқ усталарининг меҳнатига суянган. Бу новаторлик мактабининг вакиллари архитектура назариясини жуда яхши билганлар ва бу назария кўп жиҳатдан амалий математиканинг муваффақиятларига боғлиқ бўлган ноёб архитектура ансамбларининг яратилиши ўша даврқурилишининг катта муваффақияти ҳисобланган. Боғ ва гулзорлар барпо этиш санъати ҳам катта қулоч ёзиб, у ҳам архитектура, агро-техника ҳамда ирригация фани ва практикасининг бўлимларидан бирини ташкил қилган.

Архитектура кандидати М. С. Булатов ва профессор В. А. Нильсен (Ўзбекистон), профессор И. Цги (Ғарбий Берлин), санъатшунослик доктори Л. С. Бретаницкий (Озарбайжон), санъатшунослик кандидати Н. Ф. Бородина (Москва), профессор С. К. Сараватн (Ҳиндистон), профессор Р. Этингхаузен (АҚШ), М. Таяквидей (Эрон) архитектура ва санъат соҳасидаги янги тадқиқотлар тўғрисида ахборот бердилар.

Симпозиумнинг иши яхши мажлислар доираси билан чекланиб қолмаётир. Чет эл ва совет олимлари Самарқандда қадимий маданиятнинг давлат муҳофазасига олинган кўпдан кўп ёдгорликларини бориб кўрмоқдалар. Ўзининг 2500 йиллигини байрам қилишга тайёрланаётган шаҳарнинг ҳозирги ҳаёти билан таниш-моқдалар.



Самарқанд опера ва балет театрида Темурийлар даври санъати бўйича халқаро симпозиум очилди. Бу илмий анжуманда Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Франция, Англия, АҚШ, Ялония ва бошқа мамлакатларнинг тарихчи олимлари иштирок этмоқдалар. Суратда: симпозиум қатнашчилари Самарқандда-нинг тарихий ёдгорликлари билан танишмоқдалар. А. Кузьменко фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҲУҚУҚШУНОС ОЛИМЛАР ТОШКЕНТДА

СССР Фанлар Академиясининг Давлат ва ҳуқуқ институти директори ўринбосари, юридик фанлари доктори, профессор А. П. Косицин раҳбарлигида мазкур институтнинг бир группа олимлари Тошкентга келишди. Группа составида юридик фанлари докторлари М. И. Пискотин, В. В. Лаптев, Ю. А. Тихомиров, юридик фанлари кандидатлари Б. Д. Клюкин, М. П. Лебедев, Б. М. Лазарев, И. А. Танчук, В. И. Ремнев ва бошқалар бор.

Олимлар республикамиз халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш ва уни бошқариш масалаларини ўрганадилар. Уларга бу масалаларни ўрганишда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Фалсафа ва ҳуқуқ институти ҳамда Тошкент Давлат университети юридик факультети олимлари ҳамроҳ бўлишади.

Саноатни бошқариш органлари системаси, Ўзбекистон ССР марказий органлари билан Совет Иттифоқи идоралари ҳамда Госплан билан министрликлар ҳамкорлиги масалалари ҳам ўрганилади. Бундан ташқари маҳаллий Советлар фаолияти тажрибасини оммалаштириш ва уларнинг корхоналар билан алоқаси, шунингдек, меҳнаткашларнинг саноатни бошқаришдаги формаларини ривожлантириш масалаларини тадқиқ қилиш ҳам назарда тутилмоқда.

Саноат министрликлари, корхоналар ва бирлашмаларда ҳуқуқ масалаларига алоҳида эътибор берилади. Хўжалик ҳисобини ривожлантириш, хўжалик органларида мулкнинг ҳуқуқ тартиблари масалалари ҳам олимларни қизиқтирмоқда. Шунингдек, саноатда хўжалик алоқаларини ўрнатиш ва хўжалик битимларини тузиш, хўжалик фаолиятида қонунийлик масалалари, саноатда юридик хизматни ташкил этиш каби масалалар ҳам ўрганилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича ҳам муҳим масалалар таҳлил этилади. Бунда, айниқса, хўжалик ҳисобига тўла ўтган совхозлар фаолиятига алоҳида эътибор берилади.

Республикамизга ташриф буюрган Москва олимлари шу ишлари амалга оширишдан ташқари социалистик давлат ва ҳуқуқ тўғрисидаги ленинча таълимот ҳамда давлат қурилиши проблемалари ва социалистик қонунчиликни мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган темаларда лекция ва суҳбатлар ҳам ўтказадилар.

Суратда: (чапдан) юридик фанлар докторлари В. В. Лаптев, М. И. Пискотин ва А. П. Косицин.

И. Глауберзон фотоси.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ХАБАРЛАР, ВОҚЕАЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ЛЕНИН ҒОЯЛАРИНИНГ АБАДИЙЛИГИ

ХАРТУМ, 24 сентябрь. ТАСС мухбири Г. Марунин хабар беради: ҳукуматнинг «Ал-Аҳрор» газетаси В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига бағишланган мақолаларни эълон қила бошлади. Газетанинг кечаги сонида «Ленин ва Африка» деган бутун бир саҳифани эгаллаган сарлавҳа остида революциянинг абадий барҳаёт йўлбошчиси, унинг таълимоти ҳамда ленинизм ғояларининг Осиё ва Африка мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатига таъсири тўғрисида ҳикоя қилинди.

«Ал-Аҳрор» газетаси редакцияси шу саҳифанинг кириш қисмида суданлик газетхонларга мурожаат қилиб, бундан буён газета Ленининг ишчилар ҳаракати проблемаларига, халқлар бирдамлиги ҳамда мазлумларнинг инсонят бахт-саодати учун олиб бораётган курашига доир асарларидан олинган парчаларни мунтазам равишда бериб бораси, деб маълум қилди.

Суданнинг яна бир газетаси — мамлакатдаги энг оммавий ташкилот бўлган ва ўз сафларида ярим миллиондан кўпроқ меҳнаткашни бирлаштирган Судан касаба союзлари федерациясининг органи «Ат-Толеа» газетаси ҳам кеча юз йилликка бағишлаб мақола босиб чиқарди.

ТОН ДИК ТХАНГ — ВДР ПРЕЗИДЕНТИ

ХАНОЙ, 24 сентябрь. ТАСС мухбири С. Афонин хабар беради:

Учинчи чақириқ Вьетнам Демократик Республикаси миллат мажлисининг 23 сентябрь куни Ханойда бўлиб ўтган бешинчи сессиясида ўрток Тон Дик Тханг Вьетнам Демократик Республикаси президенти лавозимига, ўрток Нгуен Лионг Банг вице-президент лавозимига сайландилар.

Депутатларнинг тўла состави қатнашувида ўтган сессия ишига сессиянинг Тон Дик Тханг, Ле Зуан, Чионг Тинь, Фам Ван Донг, Хоанг Ван Хоан, Во Нгуен Зиап, Нгуен Зуй Чиньдан иборат президиум раҳбарлик қилди.

Депутатлар бир минут сукут сақлаб ўрток Хо Ши Мин хотирасини эсладилар.

Сессияда миллат мажлиси доимий комитетининг раиси Чионг Тинь миллат мажлиси номидан ўрток Хо Ши Мин хотирасига ҳамда мамлакатда халқ демократик ҳокимиятини мустаҳкамлаш масалаларига бағишланган катта нутқ сўзлади. Унинг нутқидан сўнг президент Хо Ши Миннинг васияти, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг мурожаати ҳамда ўрток Хо Ши Мин вафоти муносабати билан Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг видолашув сўзи ўқиб эшиттирилди.

Ўрток Тон Дик Тханг нутқи гулдурос қарсаклар билан қутиб олинди. У ўзига кўрсатилган ишонч учун миллат мажлисига миннатдорчилик изҳор қилиб, президент Хо Ши Миннинг васиятларига амал қилгани ҳолда бутун куч-қувватларимни ватанга, халққа ва революцияга хизмат қилишга бағишлаймаман, деб ишонтирди.

Шу пайтда Ханойда бўлган Жанубий Вьетнам Миллий Озодлик фронти Марказий Комитети президиумининг раиси Нгуен Хиу Тхо, Вьетнам миллий демократик ва тинчликсевар кучлари союзи Марказий Комитетининг раиси Чинь Динь Тхао, Жанубий Вьетнам Республикаси Мувакқат революцион ҳукумати раисининг ўринбосари, Жанубий Вьетнам Республикасининг ВДР даги ваколатхонаси бошлиғи вазифасини иқро этувчи Нгуен Фу Соай сессияга таклиф қилиндилар.

* * *

Ханойда тарқатилган қисқача таржимаи ҳолларда бундай дейилади:

Тон Дик Тханг 1888 йилда Жанубий Вьетнамдаги Лонгсуен вилоятида ишчи оиласида туғилган. 1919 йилда Тон Дик Тханг француз империалистларининг ёш Совет республикасини бўғиш учун кўшин йўллаш планига қарши француз денгизчилари билан бирга урушга қарши кураш ўтказади. Тон Дик Тханг Франция кемасида қизил байроқ кўтариб, Россиядаги Октябрь революциясини қутлагани учун қамоққа олинади.

1929 йилда француз мустамлакачилари Тон Дик Тханги яна қамоққа олдилар ва уни Пулокондор оролида ўташ учун 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм қилдилар. У 1930 йилдан бери Ҳинди-Хитой Коммунистик партиясининг аъзосидир.

Тон Дик Тханг 9 йиллик қаршилик кўрсатиш уруши мобайнида ҳамда тинчлик ўрнатилганидан сўнг ҳозирга қадар масъул партия ва давлат ишини бажариб келди.

1960 йилда Вьетнам Демократик Республикасининг вице-президенти қилиб сайланди.

Нгуен Лионг Банг 1904 йилда Хайзнонгда камбағал қишлоқ муаллими оиласида туғилди.

Хайфон ва Сайгон ишчилари орасида актив сиёсий ва ташкилотчилик иши олиб борди. Бир неча бор қамоққа олинди. 1931 йилда 20 йиллик муддат билан қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди, аммо келаси йили қамоқдан қочиб қутулишга муваффақ бўлди. 1933 йилда яна қўлга олинди ва умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинди. Орадан 10 йил ўтгач яна қамоқдан қочди.

Нгуен Лионг Банг масъул партия ва давлат ишини бажариб келган.

МАРКАЗИЙ АФРИКА РЕСПУБЛИКАСИДА СОВЕТ МУТАХАССИСЛАРИ

БАНГИ, 24 сентябрь. (ТАСС). Марказий Африка Республикасининг пойтахти Бангига совет ўқитувчилари ва врачларининг янги группаси келди. Булар республиканинг ўқув юртларида ва медицина муассасаларида ишлайди.

Совет Иттифоқи билан Марказий Африка Республикаси ўртасида маданий ва илмий ҳамкорлик тўғрисидаги битимга мувофиқ ҳозир мамлакатда врачлар, ўқитувчилар, спорт тренерларидан иборат 22 совет мутахассиси ишлаб турибди.

ФРАНЦИЯ КОММУНИСТЛАРИНИНГ НОРОЗИЛИГИ

ПАРИЖ, 23 сентябрь. (ТАСС). Франция Коммунистик партияси Марокаш озодлик ва социализм партияси тарқатилиб юборилганлигига ва шу партиянинг Бош секретари Али Ята ҳамда партия раҳбарлигининг аъзоси Ш. Рифи ҳукм қилинганлигига қарши норозилик билдирди.

Франция Коммунистик партиясининг бу ерда эълон қилинган баёнотида, бу қарор «Марокаш ватанпарварларининг реакцияга қарши, чинакам демократия учун курашадиган ташкилотлар тузиш ҳуқуқини поймол қилди» дейилади.

Озодлик ва социализм партиясига нисбатан ҳамда бу партиянинг икки раҳбарига нисбатан кўрилган чоралар, дейилади баёнотда, «Марокашнинг бутун миллий ва демократик ҳаракатига ҳамда араб халқларининг озодлик ҳаракатига берилган оғир зарба» бўлди.

Франция Коммунистик партияси Франция меҳнаткашларини ва демократларини репрессия ва ўзбошимчалик азобини тортаётган марокаш ватанпарварларга бирдамлик изҳор этишга, уларни озодликка чиқаришни ҳамда Марокаш озодлик ва социализм партиясининг тақиқланганлигини бекор қилишни талаб қилишга чақирди.

НАВБАТДАГИ НАЙРАНГ

ВАШИНГТОН. Пентагон АҚШ жамоатчилигини лақиллатиш мақсадида яна бир пропаганда найрангини ишлатди. У ҳозирги молия йилининг охиригача АҚШ қуролли кучларининг сонини 77,5 минг нафар қисқартириш, 209 та самолётни резервга ўтказиб қўйиш ва 22 та кемани сафдан чиқариб олиб ишлатмай қўйиш тўғрисидаги қарорни эълон қилди. Бу чоралар, Пентагоннинг қилган ҳисобларига қараганда, жами 356 миллион долларни тежаши лозим.

АҚШнинг жуда катта ҳарбий харажатларига назар солинса, бу тежашнинг нақадар зиғирчалиги очиқ кўриниб турибди. Шу сабабли Пентагоннинг Америкадаги солиқ туловчилар пулини «тежаш» деб аталган бу қарори пропагандадан иборат навбатдаги найрангдан бошқа нарса эмас. Маълумки, мудофаа министрлиги ҳозирги молия йили учун 77 миллиард долларлик ҳарбий бюджетни конгрессдан тасдиқлатиб олишга тинмай ҳаракат қилмоқда.

Яқиндагина Пентагон қуроврояларнинг янги турларини ишлаб чиқиш учунгина 20 миллиард доллар сарфлашни кўзда тутган қонун-лойиҳасини сенатдан тасдиқлатиб, ҳарбий саноат комплексини шоду-хуррам қилган эди.

«Янги тежаш» тўғрисида Пентагон эълон қилган планлар мамлакат аҳолиси учун мўлжалланганлиги очиқ кўриниб турибди. (ТАСС).

ОСМОН ҚАРОҚЧИЛАРИ

АММОН, 24 сентябрь. (ТАСС). Исроил ҳарбийлари Иорданияга қарши яна қуролли агрессиялик қилишди. Иордания ҳарбий қўмондонлиги вакилининг айтишича қараганда, Исроилнинг тўртта реактив самолёти кеча маҳаллий вақт билан соат 6-10 минутда Иордания осмонига бостириб кириб, Иордания пойтахтининг ўттиз километр ғарби-шимолидаги Ас-Салт қишлоғига ҳужум қилишга ўринган. Иордания армияси зенит артиллериясининг бўлинмалари шиддатли ўт очиб осмон қароқчиларининг агрессиялигини барбод қилди ва босқинчиларни қайтиб кетишга мажбур этди. Ҳарбий вакилнинг айтишича қараганда Иордания томони зарар кўргани йўқ.

ҚОҲИРА, 24 сентябрь. (ТАСС). Миср ҳарбий вакилининг айтишича қараганда кеча маҳаллий вақт билан соат 16 да Исроилнинг бир неча самолёти Сувайш каналининг жанубий қисмидаги Миср позициясига ҳужум қилди. Мисрнинг зенит артиллерияси ўт очиб, осмон қароқчиларидан бирини — «Скайҳок» типидаги самолётни уриб туширди, қолган самолётлар Бирлашган Араб Республикасининг осмонини ташлаб қочишга мажбур бўлди.

КРАСНИЦКИЙ — 101 ТЎП

«Пахтакор» командасининг моҳир ўйинчиси, номини мухлислар ҳурмат билан тилга оладиган ҳужумчи Геннадий Красницкий катта зафар қучди. Машҳур бомбардимончимиз ўзбек футболи тарихига қувончли ўзгариш киритиб, Григорий Федотов Клубининг аъзоси, деган фахрли номни олишга муяссар бўлди.

Бу йилги футбол чемпионати федотовчилар сафини бир йўла яна уч футболчи билан тўлдирди. 1967 йилдан бери клуб аъзолари сони 13 тагачи қолиб келмоқда эди. Бу борада сентябрни жуда сермаҳсул ой бўлди, деса арзийди: 2 сентябрь — Борис Казаков, 12 сентябрь — Геннадий Красницкий, 15 сентябрь — Галимжон Хусаинов. Қизиқи шундаки, уччала федотовчи клубга кетма-кет аъзо бўлиб кирган бўлса, ҳудди келишиб олгандек, биринчи киритган тўпларини ҳам ўзгалар майдонида дарвозага йўллаштан эдилар. Энди бўлса ўз ҳисобларидаги сўнгги юзинчи тўпларини, қадрдон майдон ва мухлислари даврасида амалга оширишга эришдилар. Шундай қилиб, федотовчилар рўйхатидаги футболчилар сафи 16 га етди. Улардан бештаси ҳозирги кунда футбол майдонларида «жанг» қилмоқда. Қолганлари футбол ветеранлари. «Пахтакор» навбатдаги учрашувда Куйбишевнинг «Крылья Советов» командасини қабул қилди. Ўйин олдидан федотовчилар — Красницкий ҳамда меҳмонлар командасининг капитани Казаковга клубнинг фахрий совғалари, аъзолик гувоҳномалари тантанали равишда топширилди. Муҳлислар уларни самимий олқишладилар.

Ўйин майдон эгаларининг шиддатли ҳужуми билан бошланди. Куйбишевликларнинг қарши ҳужуми натижа бермади. Шундан кейин улар ҳимояни кучайтиришга мажбур бўлдилар. Бироқ, пахтакорлар, танаффусгача бўлган ўйинда қулай ҳолатларни бой бериб, ҳисобни очишга эриша олмадилар. Шуни ҳам айтиш керакки, йигитлар бу учрашувда ўйин қоидаларига қатъий риоя қилганлари ҳолда курашишди. Меҳмонлар эса, аксинча, қўполлик қилиб, бирнеча марта ўйиннинг бузилишига сабабчи бўлдилар. Биз бугун Бутуниттифоқ тонфасидаги судья Т. Валиев (Боку шаҳридан) томонидан бутун учрашув давомида тўрт марта жарима тўпи белгилашга мажбур бўлганлигида ҳам кўришимиз мумкин. Лекин ана шу жарималарни Красницкий тепган бўлса-да, унинг учун рақиблар ҳимоясини ёриб ўтиш анча қийин бўлди. Фақат, ўйиннинг 79-минутида белгиланган сўнгги тўртинчи жарима ҳал қилинди ва ҳисоб очилди. Дарвозадан чамаси 20 метрча келадиган жойдан Красницкийнинг зарб билан йўналтирган 101-бир тўпи СССР терма командасига ўйинида киритган тўпи «Пахтакор»га яна галаба ва қимматли икки очко келтирди. «Пахтакор» навбатдаги бу галабадан кейин очколарини 30 тага етказиб, яна ҳам ўнгланиб олди. Энг муҳими — киритилган ва қўйиб юборилган тўплар нисбатини 30:30 қилиб тенглаб олишга муваффақ бўлди. Пахтакорчилар эртага қуйбишевликлар билан охирги учрашувларини ўтказадилар.

Худди шу куни бўлиб ўтган «Қайрат» — «Арарат» учрашувида хисоб очилмади. Пойтахт темир йўлчилари билан свердловсклик футболчилар ўртасида ўтказилган учрашувда москваликлар устунликка эришиб, 2:0 ҳисобида галаба қилдилар.

Ўйинлар жадвали:

	У	Т	О
«Арарат»	29	41:32	33
«Пахтакор»	28	30:30	30
«Қайрат»	28	23:29	24
«Кр. Советов»	29	32:40	21
«Уралмаш»	29	15:33	20
«Локомотив»	29	21:42	17

Кучлилар группасида ўтказилган икки учрашув: «Шахтёр»—СКА ва «Зенит»—«Черноморец» натижасиз, 0:0 ҳисобида тугади. Бу группада 33 очко билан ҳамон спартакчилар пешқадамлик қилишяпти. Шунингдек, Москвада ва Белградда СССР-2 — Югославия-2 ҳамда СССР-1 — Югославия-1 терма командалари ўртасида ўтказилиб учрашувлари бўлди. Бунда совет футболчилари ғирик ҳисоб — 4:2 ва 3:1 натижа билан галаба қилдилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 — Концерт (халқ талантлари). 9.30 — М. Содиков чалади. 9.50 — Халқаро мавзуларда суҳбат (тожикча). 10.10 — Куйлар. 11.15 — «Кишилар манфаатини кўзлаб» (очерк). 11.25 — Қўшиқлар. 13.30 — Дўстларимиз эстрадаси. 15.15 — «Замондошлар». 15.30 — «Бепоён далалар» (радио композиция). 16.10 — Музикали соат (ёшлар учун). 16.50 — «Правда» газетасининг обзори. 17.00 — «Шарқ — рус композиторлари ижодида» (русча). 18.00 — «Халқ тўғрисида ленинча ғамхўрлик — партиянинг олий қонуни». 18.10 — «Тамара» симфоник поэмаси. 19.20 — Татар куйлари. 20.00 — «Ўзбекистон қурилишларида» радиожурнали (русча). 20.30 — Концерт (саноат ходимлари учун). 21.00 — Халқаро мавзуларда суҳбат. 21.10 — Концерт (пахтакорлар учун). 22.30 — «Таниш куйлар». 22.40 — «Темурийлар даври маданияти симпозиуми». 23.15 — Мақомлардан парчалар.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.30 — Кўрсатишлар программаси.

Рус тилида: 18.35 — «Янгра, барабан» программаси (пионерлар учун). 19.10 — Телеянгиликлар. 19.25 — Халқ контроли экрани. 19.50 — Суҳбатли концерт. 20.40 — Кўрсатишлар программаси.

Ўзбек тилида: 20.45 — Телеянгиликлар. 21.00 — Фарғона кинофестивали олдидан. 21.40 — Ноз-неъмат бунёдкорлари (чорвадорлар учун). 22.10 — Пижама кийган учувчилар (телевизион бадиий фильмнинг тўртинчи серияси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

12.55 дан — Москва кўрсатади.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

18.30 — Кўрсатишлар программаси. 18.35 — Қизил қалпоқча (бадиий фильм). 19.15 — Реклама (рус тилида). 19.35 — Сенинг тенгдошларинг (Ешлик» студияси).

19.55 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Ўзбек тилида: 20.00 — Боғдорчилик тараққиёти (кинофильм).

Рус тилида: 20.20 — Анна Каренина (телекомпозиция). 21.10 — Волга дельтасида (ҳужжатли фильм). 21.20 — Академик Иван Павлов (бадиий фильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26/IX да Шох Эдип, 27/IX да Парвона.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Венгер ва совет цирки усталарининг гастроллари.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Егоч санамлар сири — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз 1, 3 ва кеч 10 да). «СПУТНИК» (эрталаб 11, кундуз 1, 3, 5 да). «ЧАЙКА» (кундуз 12, 4 ва кеч 10 да).

Бойқуш бевақт келади — «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун). «МОСКВА» (кундуз соат 1 ярим, 5 ва кеч 7 да). «ЧАЙКА» (кундуз 2, кеч 6 ва 8 да).

Хафтали парвоз — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10, кундуз 2 ярим ва 4 да).

Утган кунлар — НАВОИЙ НОМЛИ (кундуз ва кечқурун. Ўзбек тилида). САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 5, кеч 6-45 ва 8-30 минутда).

Сохта Изабелла — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Асосий гувоҳ — «МОСКВА» (эрталаб соат 11-40, кундуз 3-20 минут ва кеч 9 да).

Тирик мурда (1 ва 2-серия) — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, кеч 6 ва 8-20 минутда).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8 ва 10 да бошланади)

Бойқуш бевақт келади — «ФЕСТИВАЛЬ».

Егоч санамлар сири — «ХИВА»

РЕСПУБЛИКА «ЎЗГЛАВХИМСНАБСБЫТ» БАЗАСИ йиллик инвентаризация муносабати билан 1 ОКТЯБРДАН материаллар бериш тўхтатилишини ҳамма истеъмолчиларга МАЪЛУМ ҚИЛАДИ

Ҳамма истеъмолчилардан ўзларига тегишли материалларни олишлари сўралади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институти дирекцияси, партия бюроси ва маҳаллий комитети институтнинг илмий ходими У. Мирзакаримовага онаси

Кимё ЙЎЛДОШЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган Центрального Комитета Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

Бизнинг адрес ва телефонлар: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» кўчаси № 26. Редактор — 336545, Редактор ўринбосарлари — 337914, 339323, Масъул секретарь — 334455, Масъул секретарь ўринбосарлари — 337283, Партия ҳурмуши — 333469, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш — 331216, Халқаро ҳаёт — 337604, Коммунистик тарбия — 331455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — 334780, Совет қурилиши — 333258, Қишлоқ хўжалиги — 337604, Адабиёт ва санъат — 332036, 337221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 334451, Маҳаллий ахборот ва спорт — 332347, Оммавий ишлар ва хатлар — 338679, 333553, Иллюстрация — 334524. Стенографистка — 337343, Корректура — 337162, Эълонлар — 338142, Коммутатор — 330249, 330250, 330251, 330252, 330253, 330254, 330255, 330256, 330257, 330258. ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ, Андижон — 48—85, Бухоро 43—141, Қарши 38—42, Наманган 21—88, Нукус — 42—62, Самарқанд 31—972, Термиз 23—27, Фарғона 41—88, Урганч 34—55.

№ Б. — 225. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64633. Р. 16456.